ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
O'.K.U.F. F.T.U.U.

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2007 йил 24 феврал, шанба № 25 (2282)

# Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг юксак эътирофи

## Президент Ислом Каримовнинг "Туркистон-пресс" нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюси

***Савол.** Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти – АЙСЕСКО (ISESCO) томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрининг "Ислом маданияти пойтахти" деб эълон қилиниши юртимизда катта қувонч билан кутиб олинди.*

*Барчамиз яхши тушунамизки, Тошкент шаҳрининг бундай номга сазовор бўлиши оламшумул воқеа бўлиб, ислом оламидаги нуфузли ташкилотнинг бу қарорга келиши бежиз эмас ва унинг ўзига хос сабаб ва асослари бор, албатта. Мана шу ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларингизни гапириб берсангиз.*

**Жавоб.** Ҳақиқатан ҳам, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти бўлмиш АЙСЕСКО томонидан Тошкент шаҳрига 2007 йилда "Ислом маданияти пойтахти" деган ном берилиши мамлакатимиз ҳаётидаги улкан маданий-маънавий воқеадир.

Барчамиз учун азиз ва муқаддас бўлган азим пойтахтимизнинг ана шундай юксак обрў-эътиборга эришгани нафақат халқимизга, айни вақтда яқин ва узоқдаги дўстларимизга ҳам ғурур ва ифтихор бағишлайди, деб ишонч билан айтишга асосларимиз бор.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти – АЙСЕСКО ҳақида қисқача тўхталадиган бўлсак, аввало шуни айтиш кераккки, у Ислом конференцияси ташкилотининг таркибий тузилмаси ҳисобланиб, 1979 йили мазкур ташкилотнинг Марокаш давлатининг Фес шаҳрида бўлиб ўтган конференциясида унга асос солинган. Ислом конференцияси ташкилоти деганда эса, мусулмон оламини бирлаштирадиган ва ўз таркибида 57 та мамлакатни жам этган, халқаро миқёсдаги муҳим ва долзарб масалаларни ҳал қилишда таъсири ва аҳамияти тобора ортиб бораётган нуфузли ташкилотни тушунамиз.

Бир сўз билан айтганда, АЙСЕСКО фаолиятининг асосий йўналишини фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларини изчил ривожлантириш, ана шу негизда аъзо давлатлар ўртасида ўзаро мулоқот ва ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш каби муҳим вазифалар ташкил этади.

Шу ўринда мен аввалáмбор Тошкент шаҳрини 2007 йилда "Ислом маданияти пойтахти" деб эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилган ана шу ташкилотнинг кўпни кўрган, ислом оламида катта мавқе ва ҳурматга эга бўлган раҳбарлари ва фаолларига мамлакат Президенти, қолаверса, шу юрт фуқароси, мусулмон фарзанди сифатида халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдиришни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Бу қувончли воқеа муносабати билан кўплаб давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, хорижий мамлакатларнинг элчилари, таниқли олиму уламолардан Ўзбекистон раҳбарияти номига қизғин қутловлар келмоқда. Бу табрикномалар орасида Ислом конференцияси ташкилотининг Бош котиби Акмалиддин Эҳсон ўғли, Бутунжаҳон ислом лигаси Бош котиби, доктор Абдулла бин Абдулмуҳсин ат-Туркий, АЙСЕСКО Бош директори, доктор Абдулазиз Осман ат-Тувайжирий, Ислом тараққиёт банки Президенти, доктор Аҳмад Муҳаммад Али, Эрон Ислом Республикасининг собиқ Президенти, Маданиятлар ва цивилизациялараро мулоқот халқаро институти директори Саййид Муҳаммад Ҳотамий, Мисрдаги "Ал-Азҳар" диний марказининг шайхи ва бош имоми, доктор Муҳаммад Саййид Тантавий, Исломобод халқаро ислом университети ректори, доктор Манзур Аҳмад ва бошқа ўнлаб атоқли шахсларнинг юртимиз ва халқимиз шаънига билдирган самимий сўзларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

(Давоми 2-бетда).

***Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармасида «Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида»ги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.***

Унда мамлакат раҳбари томонидан Давлат солиқ органлари фаолиятига танқидий нуқтаи назардан ёндашилиб, солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш, тизимда порахўрлик ва таъмагирлик ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриш, яширин иқтисодиётга қарши курашишни жонлантириш, жумладан, сифатсиз спирт ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқарилганлиги ёхуд улар республикага олиб кирилганлиги устидан назоратни кучайтириш, нақд пулнинг банкдан ташқари айланмасини янада қисқартириш юзасидан белгилаб берилган муҳим вазифаларга эътибор қаратилди.

## МАСЪУЛИЯТГА МУНОСАБАТ ТУБДАН ЎЗГАРАДИ

Шунингдек, иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб суръатларда ўсишини таъминлашда шаҳар солиқ идоралари томонидан айрим камчиликларга йўл қуйилганлиги таъкидланди. Жумладан, Тошкент шаҳар солиқ идоралари томонидан 2006 йилда айрим солиқ турларидан йиллик башорат кўрсаткичлари бажарилмаганлиги, айрим туман давлат солиқ инспекциялари томонидан бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар олдидаги боқиманда қарзларни қисқартириш юзасидан амалга оширилган ишлар талаб даражасида эмаслиги танқид остига олинди. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олишдаги ишлар етарли даражада ташкил этилмаганлиги кўрсатиб ўтилди. Бу борада Собир Раҳимов, Сирғали, Ҳамза, Мирзо Улуғбек, Юнусобод туман солиқ инспекциялари бошлиқлари огоҳлантирилди.

Йиғилишда нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини янада қисқартириш, жумладан аҳолига пуллик транспорт хизматини кўрсатувчи корхоналар томонидан нақд пул тушуми ва уларни инкассация қилишда Бектемир, Яккасарой, Чилонзор туманларида амалга оширилган ишлар қониқарсиз аҳволда эканлиги эътироф этилиб, уларни бартараф этишга қаратилган вазифалар белгиланди.

Бундан ташқари, хуфиёна иқтисодиётнинг олдини олишда, жумладан, сифатсиз спирт ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотишга уринаётган ноқонуний ҳолатларни аниқлашда назорат ишларини кучайтириш борасида шаҳар давлат солиқ идоралари раҳбарлари олдига аниқ топшириқлар қўйилди.

Йиғилишда Давлат солиқ қўмитаси томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини назорат қилишда солиқ хизмати органларининг текширувчи ходимлари фаолиятида содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастури талабларидан келиб чиқиб, 9 нафар Давлат солиқ инспекцияси ходимлари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

**ДСҚ ахборот хизмати**

Ўқув

## ЎРГАНИБ ЎРГАТАЁТГАНЛАР

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ўқув марказида Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари Марказий Кенгаши иш режасига асосан тармоқ ходимлари туман ва шаҳар Кенгашлари раисларининг бир ҳафталик ўқув-семинар машғулотлари бўлиб ўтди. Улар касаба уюшмалари ишларидаги ташкилий фаолият, ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, меҳнат қонунчилигига риоя этилиши, жамоа шартномаларини тузиш, меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича белгиланган дастур асосида малака оширдилар.**

**Вакиллар ўқув жараёни давомида ўзаро тажриба алмашдилар. Амалий машғулот, тест синовлари ташкил этилди. Тингловчилар бўш пайтларида пойтахтнинг диққатга сазовор жойлари – Мустақиллик майдони, Амир Темур Давлат музейида бўлдилар, театр, концертларда маданий ҳордиқ чиқардилар.**

**Машғулот якунида ўқув марказининг гувоҳномаси топширилди.**

**Бахтиёр ХЎЖАМҚУЛОВ,**
**Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари Боёвут туман Кенгаши раиси.**

**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**





| МАРКАЗИЙ БАНК АХБОРОТИ | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | 1 Австралия доллари 979,66 | 1 БАА дирҳами 338,66 | 1 ЕВРО 1635,75 | 1 Хитой юани 160,46 | 1 Турк лираси 897,67 |
| | 1 Англия фунт стерлинги 2429.1 | 1 АҚШ доллари 1243,54 | 1 Россия рубли 47,40 | 1 Қувайт динори 4302,76 | 1 Япон иени 104,10 |

# Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг юксак эътирофи

## *Президент Ислом Каримовнинг "Туркистон-пресс" нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюси*

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Шунингдек, Ҳиндистон, Туркия, Индонезия, Кувайт каби бир қанча мамлакатларнинг кўзга кўринган давлат ва жамоат намояндалари, оммавий ахборот воситалари томонидан ҳам шу муносабат билан ижобий фикрлар билдирилгани эътиборга молик.

Шуни айтиш керакки, биз бу инсонларнинг кўпчилигини яқиндан биламиз ва уларни юксак қадрлаймиз. Уларнинг айримлари билан эса ғойибона танишмиз. Матбуотимизда чоп этилган ана шу қутлов ва фикр-мулоҳазалар билан танишар эканмиз, уларда бизнинг қадимий ва бой тарихимиз, миллий қадриятларимизга нечоғлик чуқур хурмат ва эҳтиром туйғуси ифода этилганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Гарчи бу номалар Ўзбекистон раҳбари сифатида менинг номимга юборилган бўлса-да, уларда битилган табрик ва тилаклар юртимиздаги барча мўмин-мусулмонларга, бутун халқимизга қаратилганини, табиийки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бир фикрга урғу беришни истардим: агарки тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, хоки поклари Ўзбекистон тупроғида ётган улуғ аждодларимиз, не-не мутафаккир зотлар асрлар мобайнида дунёвий ва диний илмлар соҳасида қандай буюк кашфиётлар яратгани, бунинг учун қанча заҳмат ва машаққатлар чекканини кўрамиз. Бугун биз гувоҳ бўлиб турган юксак эътироф аввало ана шундай аждодларимизнинг табаррук номлари ва қолдирган меросига, ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасига берилган муносиб баҳо, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шахсан менга бундай холис ва ҳаққоний баҳодан аввало юртимиз заминида яшаб ўтган мутафаккир боболаримиз, улуғ алломалар ва азиз зотларнинг муборак руҳлари шод бўлаётгандек туюлади ва ўйлайманки, бу фикрга барча юртдошларимиз ҳам қўшилади.

Энди бевосита Тошкентга "Ислом маданияти пойтахти" деб ном беришга асос бўлган омиллар ҳақида тўхталадиган бўлсак, уларнинг тарихий, маданий ва маънавий жиҳатлари хусусида кўп гапириш мумкин. Лекин мен, шу фурсатдан фойдаланиб, фақатгина иккита муҳим йўналишга эътиборингизни жалб қилмоқчиман.

Биринчидан, "Ислом маданияти пойтахти" деган тушунча ўзида қандай маъно-мазмунни ифода этади? Иккинчидан, бундай юксак эътирофга сазовор бўлиш учун қандай мезон ва тамойиллар асосий сабаб бўлиши мумкин?

Ҳеч шубҳасиз, бу масалада номзод мамлакатнинг умумий тарихи, хусусан, ислом дини билан боғлиқ тарихи катта роль ўйнайди. Шунингдек, мазкур халқ ҳаётидаги мусулмон динига хос қоида ва арконлар, қадимий анъана ва қадриятлар, ушбу юртнинг асрлар давомида ислом цивилизацияси ва маданиятига қўшган ҳиссаси, бу ерда қандай юксак тафаккур соҳиблари, буюк уламолар яшаб ўтгани ва улар қолдирган илмий-маънавий мерос инобатга олиниши муқаррар. Шу билан бирга, номзод мамлакат томонидан бугунги кунда ана шу ноёб ва муътабар меросни қай тарзда сақлаб, асраб-авайлаб келинаётгани, уни ҳар томонлама ўрганиш, кенг омма, айниқса, ёшлар онгига сингдириш, жаҳон жамоатчилигига тарғиб ва тараннум этиш юзасидан қилинаётган ишларга алоҳида баҳо берилиши табиий.

Барчамизга маълумки, юртимизда ана шундай мерос собиқ шўро даврида ҳам мавжуд эди. Жумладан, бебаҳо тарихий қўлёзмалар махсус фондларда сақлаб келинар ва улардан фақат тор доирадаги мутахассислар илмий мақсадлагина фойдалана оларди. Бу меросни синфий ва мафкуравий нуқтаи назардан эмас, асл инсоний моҳиятига мос равишда чуқур ўрганиш, маънавий ҳаётимизнинг узвий бир қисми сифатида талқин ва тарғиб қилишга эса мутлақо йўл қўйилмасди. Бунга журъат қилган одамларнинг қандай тазйиқ ва хавф-хатарларга учраши муқаррарлигини яқин ўтмишимиз билан таниш бўлган ҳар қайси одам яхши билади.

Бугунги кунда биз ворис бўлган ана шу моддий ва маънавий меросни замон талаблари асосида кенг ва атрофлича ўрганиш ва тадқиқ этиш, ундан халқимизни баҳраманд қилиш масаласига Ўзбекистон раҳбарияти ва жамоатчилиги алоҳида аҳамият бериб келаётганини таъкидлаш лозим.

Шу мақсадда диний-маърифий қадриятларимизни ўрганиш, асраш ва ҳимоя қилиш, шу асосда ёш авлодимиз қалби ва онгига эзгу ғояларни сингдириш бўйича олиб бораётган амалий ишларимиз жамоатчиликка яхши маълум.

Биз мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва бошқа қадимий шаҳарларимиздаги Шарқ меъморлик санъатининг дурдоналари бўлмиш тарихий обидаларни сақлаш, уларни қайта тиклаш ва таъмирлаш ишларига катта эътибор қаратмоқдамиз. Баъзи бир йирик обидалар бўйича бундан 15-20 йил олдин бошлаган ишларимиз ҳозиргача давом этмоқда.

Таъкидлаш керакки, тарихий ёдгорликларни қайта тиклаш — бу фақат тегишли маблағ ва куч-имконият топишдангина иборат эмас, балки биринчи галда жиддий илмий ёндашувни, нозик дид ва маҳоратни, чуқур билим, тажриба ва юксак салоҳиятни, керак бўлса, маънавий покликни талаб қиладиган мураккаб соҳадир.

Мисол учун, қадимий қўлёзмаларни тўғри ўқиш ва талқин қилиш учун олим ва мутахассисларимиз қанчалик билим, истеъдод ва зеҳн, масъулиятга эга бўлиши зарурлиги ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Кези келганда айтиш лозимки, айнан муқаддас китоблар, диний қўлёзмаларнинг маъносини нотўғри талқин қилиш оқибатида бугунги кунда дунёда турли хил низо ва қарама-қаршиликлар юзага келаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Ёки айтайлик, кўҳна мадраса ва масжидлар пештоқига араб ёзувида битилган сўзларни ҳар қандай одам ҳам ўқий олмайди. Нега деганда, исломий хаттотлик санъатининг ўзи бир олам бўлиб, унинг қанча-қанча ўзига хос сирлари бор.

Бугунги кунда бизнинг тарихий мерос масаласига катта масъулият билан қараб олиб бораётган ишларимизнинг амалий тасдиғини кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин. Масалан, Самарқанд шаҳридаги XI-XV асрлар ёдгорлиги бўлмиш, қадим замонлардан буён бутун мусулмон дунёсининг эътиборини ўзига тортиб келаётган Шоҳи Зинда мажмуасида уч йил аввал бошлаган кенг кўламли ишларимиз бугун ҳам давом этмоқда.

Энг муҳими, мамлакатимизнинг барча ҳудуд ва минтақаларида шу эзгу мақсад йўлида ибратли ишлар қилинмоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, Самарқанддаги Имом Бухорий ва Имом Мотуридий зиёратгоҳлари, Бухородаги Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд, Минораи Калон ва Масжиди Калон мажмуалари, Фарғонадаги Аҳмад Фарғоний ва Бурҳониддин Марғиноний ёдгорликлари, Сурхондарёдаги Ҳаким Термизий ва Имом Термизий, Хивадаги Ичан қалъа, Шаҳрисабздаги Дорут-тиловат, Қарши шаҳридаги Одина ва Кўкгумбаз обидалари, Кармана шаҳридаги Қосим шайх мақбараси сингари ўнлаб қадамжоларни обод этиш бўйича бажарилган бунёдкорлик ишларини эслаш ўринли, деб ўйлайман.

Шу борада бугун Тошкент шаҳрида жойлашган, Қуръони каримнинг энг қадимий ва муътабар нусхаларидан бири бўлган машҳур Усмон Қуръони сақланаётган Ҳазрати Имом мажмуасида кенг кўламли қайта тиклаш, қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш фурсати келганини мамнуният билан қайд этмоқчиман.

Эътиборли жиҳати шундаки, бундай савобли ишларда қандайдир иккинчи даражали нарсанинг ўзи йўқ. Чунки такрор айтаман, бу — халқимизнинг тарихий хотираси, миллий ўзлиги ва маънавиятининг юксалиши билан узвий боғлиқ масаладир. Шунинг учун ҳам бу жараёнда обидаларни нафақат қайта тиклаш ва таъмирлаш, айни вақтда уларнинг ён-атрофидаги ўзига хос табиий муҳитни асл ҳолида сақлаб қолиш каби масалаларни ҳам биз эътибордан четда қолдирмаслигимиз керак.

Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман. Биз 1997 йили Имом Бухорий мажмуасини янгитдан барпо этиш пайтида бу ердаги олти-етти аср умр кўрган чинорлар ва қадимий ҳовузни сақлаб қолиш учун барча зарур чораларни кўрдик. Ҳатто чинорлар қандайдир касалликка чалинганда, даволаш учун Тошкентдаги Ботаника илмий-тадқиқот институтидан тегишли мутахассислар юборилган эди. Бундай фикрни Шаҳрисабздаги Дорус-саодат ёдгорлик мажмуасида қад ростлаб турган кўҳна чинорлар мисолида ҳам айтиш мумкин.

Албатта, биз она заминимиз бағридаги ҳар бир моддий ва маънавий мерос намунасини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, қайта тиклаш ва таъмирлаш бўйича қилаётган бу ишларимизни кимгадир намойиш қилиш, кўз-кўз этиш учун эмас, аксинча, келажагимизни ўйлаб, онгимиз ва қалбимиз даъвати билан амалга оширмоқдамиз. Токи эртага бизнинг ўрнимизга келадиган, биз бошлаган олижаноб ишларни муносиб давом эттиришга қодир бўлган ёшларимиз ана шу бебаҳо маънавий бойликдан баҳраманд бўлсин, шу асосда ўзининг кимлиги, қандай буюк зотларнинг авлоди эканини англаб етсин.

Олдимизга қўйган бундай эзгу мақсадларга эришишда, миллий қадриятларимиз ва ўзлигимизга садоқат билан ҳаёт кечиришда муқаддас динимизнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Нега деганда, инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, охиратни ўйлаб яшаш, саховат ва мурувват сингари халқимизга мансуб бўлган фазилатлар айнан шу заминда илдиз отади ва ривожланади.

Ўзингиз ўйланг, агар биз истиқлолимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб тарихий обидаларимизни қайта тиклаш, қадимий ва бой меросимизни ҳар томонлама асраб-авайлаш ва фарзандларимизга безавол етказиш ҳақида қайғурмасак, бунинг учун астойдил ҳаракат қилмасак, бугун маънавий ҳаётимизни озиқлантириш ва юксалтириш ҳақида гапириш мумкин бўлармиди?

Шу нуқтаи назардан қараганда, муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, тухмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, аввалambор, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда. Бу эса ўз навбатида маънавият ва маърифат аҳли, олимлар, зиёлиларимиз, оммавий ахборот воситалари вакилларидан, бир сўз билан айтганда, шу Ватанга меҳр қўйган ва ўзини шу юрт фарзанди деб ҳисоблайдиган ҳар бир инсондан фаоллик ва фидойиликни талаб этади.

Бугунги кунда ислом динига нисбатан бутун дунёда қизиқиш ва интилиш кучайиб, унинг хайрихоҳ ва тарафдорлари кўпайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бунинг асосий сабаби – биринчи галда муқаддас динимизнинг ҳаққонийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглиги, одамзотни доимо яхшилик ва эзгуликка чорлаши, ҳаёт синовларида ўзини оқлаган қадрият ва анъаналарни аждодлардан авлодларга етказишдаги буюк ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ. Айни пайтда бу ҳолат динимизнинг умумбашарий маданият ва цивилизация, илму фан ривожига қўшган буюк ҳиссаси билан ҳам изоҳланади.

Ўз-ўзидан равшанки, Тошкент шаҳрига "Ислом маданияти пойтахти" деган юксак ном берилиши бизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. Айниқса, неча юз йиллар мобайнида юртимиз ҳудудида яратилган буюк маданий ва маънавий меросни туб моҳиятини, унинг кўпчиликка маълум бўлмаган қирраларини нафақат мусулмон олами, балки бутун жаҳон аҳлига кенг тарғиб қилиш, шу тариқа ислом дини тинчлик, маърифат, юксак ахлоқ-одоб ифодачиси эканини яна бир бор намоён этиш борасида ҳали кўп иш қилишимиз зарурлигини биз яхши англаймиз.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун эса аввало ўз имкониятларимизни яна бир бор холисона баҳолаб, яқин келажак ва истиқболдаги энг муҳим устувор йўналишларни белгилаб олишимиз даркор. Шу мақсадда тегишли амалий дастур ишлаб чиқилгани, унда юртимиздаги мусулмон меъморчилиги обидаларини қайта тиклаш ва таъмирлаш ишларини изчил давом эттириш, ислом маданиятини кенг тарғиб қилиш юзасидан аниқ тадбирлар режалаштирилгани, жумладан, пойтахтимизда "Ислом ва бағрикенглик" мавзусида нуфузли халқаро илмий конференция ўтказиш кузда тутилаётгани айниқса эътиборлидир.

Ўйлайманки, биз, халқимиз, жамоатчилигимизнинг куч-ғайрат ва саъй-ҳаракатларини бирлаштирган ва сафарбар этган ҳолда, мамлакатимизга нисбатан билдирилган "Ислом маданияти пойтахти" деган юксак эътибор ва ишончни амалий ишлар билан оқлашга эришамиз, албатта.

Ана шундай эзгу интилишларимизни амалга ошириш йўлида юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, азиз Ватанимизнинг шон-шуҳратини янада зиёда қилишини Оллоҳдан сўраб қоламиз.

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

***Ҳудудсиз дашт. Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган жазирама. Маккаю Мадинага йўл олган карвон йўл азобидан чарчаб, қумтепалар орасига чўкди.***

***— Иншооллоҳ, йўлимиз ёруғ бўлади, — деди йўловчилар орасидаги алломаи замон сутдек ойдин чўл кечасини кўриб. — Бу яйловни ойдин деб атанглар.***

***Тонгда уйғонган донишманд тепаликлар орасидан бош кўтараётган қуёшнинг заррин нурларига тикилиб, ҳамроҳларига деди:***

***— Олисда кўринган жойларни қуёшга яқин тургани учун Оловиддин тепаликлари десангиз ҳам бўлади. Келажакда бу ерларда катта шаҳар қад кўтаради.***

***Орадан олти юз йил ўтди. Буюк жаҳонгир Амир Темур сипоҳийларининг машқ майдони бўлган, улуғ мутафаккир ҳазрат Навоийнинг қадами етган табаррук заминда яшаган ота-боболаримизнинг башоратлари рўёбга чиқди.***

# Қалбдаги қуёш



Қуёш селидан жизғинаги чиққан тап-тақир саҳрода, аниқроғи Оловуддин қирларида кўркам шаҳарча қад ростлади. Ўн икки мингдан ортиқ аҳоли умргузаронлик қилаётган чўл қўрғонида аҳолининг яшаши учун ҳамма қулайликлар яратилган.

Турнақатор тизилган кўп қаватли уй-жойлар, компьютерлаштирилган мактаблар, афсоналардагидек безатилган «Эртак», «Камалак» болалар боғчалари, Амир Темур номли маданият саройи, савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари... Қисқаси, инсон зотининг умр кечириши учун етарли шароитлар бор.

Қачонлардир ўжар Жайҳун телбаланиб оққан қумликларда сунъий денгиз мавжланди. Бундан ярим аср муқаддам дунёда энг йирик нурхонанинг пойдевори қўйилди. Асрлар оша қақраб ётган даштнинг қоқ ўртасида 3 миллион 200 минг киловатт-соат электр энергияси ҳосил қиладиган Талимаржон ИЭСси қурилди.

Марказий Осиёда ягона иссиқлик электр станциясининг блоклари маҳаллий хом ашё, Шўртан гази билан ишлайди. Фарҳод ГЭСи қувватидан 27 марта кўп бўлган янги корхонанинг энергияси билан Қарши магистрал каналига оби-ҳаёт бераётган йирик насос станцияларидан қирқтасини ҳаракатга келтириш мумкин.

Инсоннинг буюклиги — яратувчилигида. Таъбир жоиз бўлса, булутлардан ҳам ўзиб кетган минораларининг баландлиги 270 метрли, ичига ўнлаб кўп қаватли уйлар жойлашадиган, ҳар бир блоки 800 минг мегоpower-соат энергия ҳосил қиладиган, хорижда ишлаб чиқарилган технологиялар билан жиҳозланган ва юқори даражада компьютерлаштирилган йирик мажмуани оламнинг етти мўъжизасига тенглаштириш мумкин.

Анвар Ашуровнинг тақдири ҳам ана шу қурилиш билан боғланган. Олий ўқув юртини тугаллагач, тўғри қурилишга келди. Ўн олти йилдирки, бунёдкорлар сафида. Йигирмадан ортиқ миллат ва элат вакилларини бирлаштирган аҳил ва иноқ жамоада камол топди. Оддий ишчиликдан 1400 кишилик корхона касаба уюшма қўмитаси раиси лавозимига сайланди.

— 1986 йил эди. Талимаржон ИЭСи энергоблоки учун пойдевор қўйишни бошлаган кезларимиз, — дея эслайди қурилиш бошқармаси бошлиғи, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган бинокор» Абдурасул Бозоров. — Кутилмаганда Қашқадарё вилоятининг ўша пайтдаги биринчи раҳбари Ислом Каримов келиб қолди. Қурилиш, бу ерда олиб борилаётган кенг кўламли ишлар билан танишиб биз қурувчиларга далда берди. «Вақти келиб, чўл қўйнидаги бу ерлар обод гўшага айланади. Мен Нуристон нури бутун мамлакатни ёритишига ишонаман».

Шундай бўлди ҳам. 2004 йилнинг 17 ноябри ҳамманинг ёдида умрбод сақланиб қолди.

— Йигирма йиллик орзуимиз ушалиб, Талимаржон ИЭСининг 1-блокида ўрнатилган улкан генераторлар ҳаракатга келди, — дейди қувонч билан Анваржон. — Давлатимиз раҳбарининг ўн саккиз йил муқаддам айтган сўзлари амалга ошиб, Нуристон мамлакатга нур бера бошлади.

Ана ўшанда кўплар қатори Анварнинг ҳам кўзларида севинч ёшлари ҳалқаланди. Ўзбек диёрининг энергия мустақиллигини таъминлашга ҳисса қўшаётганлар сафида эканлигидан, буюк истиқлол шарофати билан чорак асрдан бери битмай турган корхонанинг биринчи блоки энергия ишлаб чиқараётганидан, бу умумхалқ ишида оддий бир ўзбек мутахассиси сифатида иштирок этаётганидан бениҳоя мамнун эди.

Иш берувчи билан ижтимоий шерикчилик асосида инженер-техник ходимлар, ишчи-хизматчилар манфаатларини ҳимоя қилиш, кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотганлар, етим-есир, ногирон ва фахрийлар ҳолидан хабар олиш касабақўм раиси ва фаолларининг зиммасида эди. Бу вазифа қанчалик масъулиятли бўлмасин уни адо этиш, ҳар бир муаммони ечиш йўлини топиш касабақўм зиммасида.

— Касаба уюшмасининг фаолияти кўп қиррали, — дейди уюшма раиси биз билан суҳбатда. — Бу ташкилот ўз аъзоларининг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-интеллектуал ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилади. Одамлар тўғрисида ўйлаш, инсонга наф келтириш бизнинг фаолиятимизда олий қадрият бўлмоғи керак.

Талимаржон ИЭСи директори, тажрибали раҳбар Искандар Босидов ва иқтидорли мутахассис Анвар Ашуровнинг ҳамкорликдаги фаолияти туфайли касаба уюшмасининг жамоадаги нуфузи тобора ошиб бормоқда.

Касабақўм раиси корхонанинг бир меъёрда тўла қувват билан ишлашини таъминлаш учун жон куйдиради, юксак сифат ва самарадорлик учун қайғуради. Иш ҳақи тўлашдан тортиб, бандликни таъминлаш, меҳнат муҳофазаси, хотин-қизлар, ёшлар ҳаёти, маънавий-жисмоний ривожланиш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, жамоа шартномалари сифатини яхшилаш, уларнинг бажарилиши учун томонларнинг масъулиятини ошириш, цех ташкилотлари ва гуруҳлари ташкилотчилик фаолиятини юқори даражага кўтариш доимий эътиборда турибди.



— Қарши-Нуристон йўналишидаги автобусни бошқасига алмаштиринг, — дея топшириқ беради Анвар корхонанинг автотранспорт бўйича мутасаддисига. — Ёнилғини кечроқ олдим деб ходимларни ишга кечиктирди. Бундай интизомсизликни кечириш мумкин эмас.

— Саккиз йилдан бери қўмита раиси бўлиб ишлаб келаяпсиз. Кейинги пайтда ташкилот фаолиятида қандай ўзгаришлар рўй берди? — сўраймиз Анвар Ашуровдан.

— Аввало, жамоа шартномаларининг ижтимоий вазифаси кучайди, уларнинг ходимлар иш ҳақи ва даромадларига таъсири ошди, — дейди касабақўм раиси. — Жамоа шартномасида кўзда тутилган имтиёзлар бўйича корхонада 1 миллиард 652 миллион сўм маблағ тўланди. Бу ҳар бир кишига 118 минг сўмдан тўғри келади дегани. Ўртача иш ҳақи 207 минг сўмни ташкил этди.

* * *

Ташкилотнинг нуфузи — аҳиллик ва уюшқоқликда. Касаба уюшма қўмитасининг асосий эътибори иш берувчи билан ҳамкорликда ходимларнинг меҳнат, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган. Шунинг учун ҳам кўп миллатли корхонада бир-бирини тушуниш, ҳамжиҳатлик ва соғлом маънавий вазият вужудга келган.

Мамлакат иқтисодиётининг қон томири ҳисобланган электр-энергияси кўпайиб бормоқда. Талимаржон ИЭСининг биринчи блоки фойдаланишга топширилганидан бери қарийб 5 миллиард киловатт- соат энергия истеъмолчиларга етказиб берилди. Бир киловатт электр энергиясининг таннархи 20,8 сўмни ташкил этиб, тармоқдан 2 миллиард 200 миллион сўм соф фойда олинди.

Эришилган ютуқларда чилангар Юра Магай, электромонтёр Алексей Пономарёв, электр чилангар Бўрон Эшқувватов, қозон цехи ишчиси Аҳмет Утепов, электр цехи бошлиғи ўринбосари Жуманазар Эргашевларнинг муносиб ҳиссаси бор. Касаба уюшма қўмитаси раисининг ташаббуси билан Амир Темур номли маданият саройида «Дўст билан обод уйинг...» қардошлик кечаси ўтказилиб, унга нафақат жамоа аъзолари, балки Нуристон шаҳарчасининг кўп миллатли аҳолиси ҳам таклиф этилди.

Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш, зарарли шароитларда ишлаётганларни сут ва сут маҳсулотлари, шахсий ҳимоя воситалари, кийим-кечак билан таъминлаш, санитария-гигиена талабларининг бажарилиши, ишчилар учун йил фаслларига қараб мўътадил шароит яратиш комиссия аъзоларининг доимий ишига айланган.

Автоматлаштирилган системаларни бошқариш, кимё, қозон турбина, марказий таъмирлаш цехи касаба уюшма қўмиталари раислари Н. Келдиев, Б. Примов, Н. Жомуродов, А. Бекназаровларнинг фаолликлари туфайли иш жойларидаги дам олиш хоналари жиҳозланди, кўп болали аёллар учун қўшимча таътил жорий этилди, ёшлар ўртасида спорт мусобақалари уюштирилди. Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги тўғри йўлга қўйилганлиги учун корхонада ўтган йиллар давомида бахтсиз ҳодиса содир бўлгани йўқ.

Касабақўм раисининг бўш вақти кам. Унинг хонасига катта-кичик, ёшу қари тез-тез келиб туради. Раиснинг аралашуви билан 1260 нафар ходимга 56 миллион 203 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Корхона раҳбарининг ташаббуси билан кам таъминланган Ҳ. Примқулов, Г. Аблоқуловаларнинг уйи таъмирлаб берилди. Қарши шаҳридаги «Мурувват уйи»га 3 миллион сўмлик кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Болаликдан ногирон Туйчи Муродов, Ориф Аҳмедов ва Ўлмас Авазовларга ногиронлар аравачаси олиб берилди. Нуристон қўрғонида яшовчи 200 дан ортиқ оиланинг электр энергияси тўловлари корхона ҳисобидан қопланди.

— Анваржон қалбида қуёш яширинган покиза ниятли инсон, — дейди Нуристон фуқаролар йиғини раиси Ҳ. Абдуллаев. — Кўнглининг қайноқ тафтини, меҳр-муҳаббатини одамларнинг оғирини енгил, мушкулини осон қилишга бағишлайди. Юртдошларига фойдаси текканини ҳис қилса, у ўзини бахтиёр сезади, ташвишларини унутади.

Анварнинг жўшқинлиги ва фидойилиги умр йўлдоши, шу корхона чилангари Гулшода Эшонқулова ва фарзандлари Рўшана, Асрор, Аброр ва Сардоржонларга ҳам кўчган. Оталари Талимаржон ИЭСнинг биринчи блокини фойдаланишга топширувчилар сафида бўлган бўлса, унинг кенжа авлоди нурхонанинг қолган навбатларини ишга туширишга ҳисса қўшса ажаб эмас.

Анвар Ашуров ва касбдошлари меҳнати билан Нуристондан нур таралаяпти, бу ҳаётбахш зиё нафақат одамлар хонадонини, балки қалбини ҳам мунаввар этаяпти.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

Миллий бойлик

**Мамлакатимиз Мустақилликка эришгач ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида туб ислоҳотлар амалга оширилди. Шу ўринда маданий-маърифий ва маънавий йўналишларда муҳим ўзгаришлар юз берганлигини таъкидлаш жоиз. Азалий қадриятлар тикланиб, аждодларимизнинг бой маданий меросидан фойдаланиш имконияти туғилди.**

# Тарих ва келажак ўртасидаги кўприк

Ўтган давр мобайнида Республика ҳукумати томонидан архив ишларини янада такомиллаштириш ва уни халқаро даражага кўтариш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, кўплаб ибратли ишлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 14-сессиясида қабул қилинган "Архивлар тўғрисида"ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Архив ишини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 482- ва 49-сонли қарорлари бу соҳадаги ишларни янада юқори поғонага кўтариш, келажакда давлат архив хизматини юксак даражада ташкил этиш учун истиқболли ҳуқуқий замин яратди, десак муболаға бўлмайди. Буларнинг натижаси ўлароқ Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари марказий Давлат архиви фаолиятини такомиллаштиришга эришилди. Бугунги кунда 250000 га яқин йиғма жилдда 1925 йилдан буёнги нафақат Ўзбекистон Республикаси, балки Ўрта Осиё бўйича илм-фан, техника, саноат, транспорт, алоқа, конструкторлик, рационализаторлик, ирригация, қишлоқ ва халқ хўжалиги, шунингдек, илмий-лойиҳавий ва тиббиёт соҳаларининг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшган фан арбоблари, профессорларнинг ҳужжатлари сақланаётган мазкур муассаса 2004 йилда янги бинога кўчирилди.

— Архивда 3 та йўналишда: тарихий аҳамиятга эга бўлган миллий архив фондига киритилган ҳужжатларни йиғиш, давлат сайловига қабул қилинган ҳужжатларни доимий сақлаш, архивда сақланаётган ҳужжатлардан фойдаланиш (яъни тадқиқотчилар, илмий изланувчиларга хизмат кўрсатиш ва архивда сақланаётган ҳужжатлар тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот ишлари олиб бориш) йўналишларида иш олиб борилади, - дейди Давлат архиви директори Мастура Ҳожиметова. – Бундан ташқари, республиканинг ижтимоий-иқтисодий соҳалари ривожига ҳисса қўшаётган фан арбоблари, профессорлар, илмий ходимларнинг иш фаолиятига доир ҳужжатлари асосида шахсий жамғармалари доимий сайловга қабул қилинади.

Шу ўринда Архив сўзининг маъноси ҳақида икки оғиз тўхталиб ўтсак. Архив сўзи лотинча – "arkhivum" – ҳукумат биноси, давлат маҳкамаси сўзидан олинган бўлса-да, унинг бугунги кундаги қўлланиши бошқача, яъни архив – бу идоралар, корхона ва ташкилотлар, шунингдек, тарихий шахслар фаолиятига оид ҳужжатлар сақланадиган муассасадир. Шу маънода архивлар тарих ва келажак ўртасидаги кўприк ҳисобланади. Архивлар ўзига хос ахборот манбалари бўлиб, архив ҳужжатлари махсус тадқиқотларни талаб этади ва бу ахборотлар мутахассис, илмий ходимлар томонидан ўрганилиб, турли фанлар нуқтаи назаридан хулосалар чиқариш учун доимий сайланади. Архив, шунингдек, асосий фаолияти давлат аҳамиятига эга бўлган нодир, тарихий ва илмий ҳужжатларни тўплаш, сақлаш ва улардан фойдаланишга қаратилган.

— Архивимиз Тошкент шаҳри ва вилоятидаги 200 га яқин ташкилотларга архив иши ва иш юритишда амалий ҳамда услубий ёрдам кўрсатади. Миллий архив фондига (МАФ) киритилган ҳужжатларни қабул қилиш, сайловини таъминлаш ва ҳужжатларга илмий-техник ишлов бериш ишларини амалга оширади. Яъни, бу ташкилотлар тугатилганда, қайта ташкил этилганда уларнинг ҳужжатларини давлат сайловига қабул қилади.

— Мазкур архивда ҳужжатлардан фойдаланиш ва тадқиқотчиларга малакали хизмат кўрсатиш ишлари кенг йўлга қўйилган, - дейди катта илмий ходим Сайёра Муҳамедова. – Бу масканга илм-фан соҳаларининг ривожига ўз ҳиссасини қўшаётган изланувчи тадқиқотчилар, олимлар, аспирант ва талабалар мунтазам келиб, илмий тадқиқот ишларига зарур маълумотларни олишлари учун етарли шарт-шароитлар яратилган.

Дарҳақиқат, бу масканда кейинги йилларда илмий ишлар юзасидан шуғулланган тадқиқотчилар касби ва мавзуи ранг-барангдир. Масалан, Тошкент тиббиёт академиясининг умумий жарроҳлик кафедраси ассистенти, тиббиёт фанлари номзоди Алижон Фақиров "XX асрда Ўзбекистон медицинаси ривожланиши тарихи" мавзуида илмий изланиш ишларини олиб бориб, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг архивда сақланаётган ҳужжатларидан илмий-тадқиқот ишига зарур маълумотлардан фойдаланган бўлса, Тошкент Педиатрия тиббиёт институти "Гигиена ва соғлиқни сақлашни ташкил қилиш" кафедраси ассистенти, тиббиёт фанлари номзоди А. Жовлиев "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришдаги натижавий ўзгаришларда Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятининг таъсири ва уларни тарихий жиҳатдан таҳлил қилиш" мавзуида илмий изланиш олиб борган. "Ўздавмелиосувлойиҳа" илмий-тадқиқот институти илмий ходими "Фарҳод ГЭС, Далварзин чўлининг лойиҳалари" мавзуида илмий-тадқиқот ишини амалга оширган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шуниси аҳамиятлики, Ўзбекистон Республикаси илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архиви тадқиқотчилари орасида Россия, Франция, АҚШ ва бошқа ҳамдўстлик давлатлари тадқиқотчилари ҳам мавжуд. Масалан, Париж аҳолишунослик институти эпидемиологи Софи Оман, АҚШнинг Калифорния штати Станфорд Университети докторанти Стронски Пол шулар жумласидандир.

Муассасада олий ва ўрта махсус тиббиёт ўқув юртлари талабалари билан тиббиёт муассасаларида архив ишини янада ривожлантириш, ҳужжатларни талаб даражасида сақлашга эришиш мақсадида архив иши ва иш юритиш бўйича амалий машғулотлар ўтказиш йўлга қўйилган. Талабаларга архив биносига экскурсия уюштирилиб, бу ерда сақланаётган ҳужжатлар, ноёб тарихий аҳамиятга эга ҳужжатларнинг илм-фан ривожида тутган ўрни ва аҳамияти тўғрисида таништирилади.

Тиббиёт соҳасига оид суратлар асосида тайёрланган фотоальбом 90 йиллик даврни ўз ичига олган бўлиб, хусусан, тиббиёт ходимларининг уруш йилларида аҳоли саломатлиги йўлида олиб борган ишлари акс эттирилган. Бу йўналишдаги ишлар ёшлар учун жуда катта тарбиявий, маънавий аҳамиятга эга бўлган сабоқ вазифасини ўтамоқда.

**Муҳаббат ДАВРОН қизи,**
**журналист**

Муносабат


Ишонч Сўзлар қалбимизни жунбушга келтиради 5
Таъзия нутқи керакми?

# Таъзия нутқи керак

***(«Ишонч», 19-сон, «Таъзия нутқи керакми?»)***

Ҳадиси шарифда «Барча лаззатларга барҳам берувчи ўлимни доим ёдга олиб юринглар», деган ўгит бор. Бу шунчаки даъват эмас. Балки одамларни ҳушёрликка чорловчи, шу билан бирга, жуда қисқа умрнинг қадрига етиш кераклигини эслатиб туради. Ўлим қош билан қовоқнинг ўртасида бўлади, дейди ёши улуғ кексаларимиз.

Шундай экан бу оғир мусибат киши бошига кутилмаганда, дафъатан тушади. Унда яқинлари, оиласи аъзолари айрилиқ аламидан ўзларини қаерга қўйишларини билмайдилар. Марҳумни сўнгги йўлга кузатиш бир эҳтиром бўлса, унинг жанозасида қатнашиб дуои фотиҳа қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

«Таъзия нутқи керакми?» мақоласи муаллифи, филология фанлари доктори Сиддиқ Мўмин долзарб мавзуни кўтарибди. Ахир имом жаноза учун Қуръон сураларини ўқишдан аввал таомилга кўра вафот этган кишининг турмуш ўртоғидан, бир туғишган жон-жигарларидан, қолаверса, маҳалла-кўйдан, қариндош уруғларидан ундан рози бўлишни, билиб-билмай айтган гап-сўзлари учун кечиришни сўрайди-ку, ахир.

Таъзия нутқи керак! У дабдабали, узундан-узоқ бўлмаслиги зарур. Таъзия нутқини ошиб кетса икки-уч киши изҳор этса кифоя. У бор-йўғи тўрт-беш оғиз гап-сўзлардан иборат бўлмоғи лозим. Боиси, йиғилганларнинг вақтини олмаслик зарур. Айтилган фикр такрорланмагани маъқул.

Марҳумнинг сифатлари кўп. У бандаи ожиз бўлса ҳам оиласига, маҳалласига, юртига, атрофидаги кишиларга у ёки бу маънода нафи теккани аниқ. Ана шу хислатлари эътироф этилса, марҳумнинг руҳи шод бўлиши табиий.

Таъзия нутқини жаноза ўқилмасдан олдин жамоа саф тортганда марҳумнинг ҳовлисида узоғи билан тўрт-беш дақиқа оралиғида кўпчиликнинг эътиборида қоларли тарзда амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Унда бандаликни бажо келтирган кишининг касби-кори доирасида қилган ишлари, яхши фарзандларни улғайтиргани, ҳали ёш, аммо бевақт ҳаётдан кўз юмган бўлса, унинг яхши сифатлари тилга олинса бошқаларга, айниқса, ёшларга ибрат бўлиши турган гап. Шу сабаб таъзия нутқи қабристонда эмас, балки айнан қазо қилган кишининг уйида ўтказилса анча таъсирчан бўлади.

Таъзия нутқини маҳалладошлар, ён-атрофдаги қўни-қўшнилар, ҳамкасблари айтгани маъқул.

Бундай эҳтиром ва эъзозни эркагу аёлга, ёшу қарига бирдек кўрсатиш керак. Таъзия нутқининг қатъий бир «шаблони» бўлмаслиги керак. Ахир одам қачон жон таслим этишини билмаймиз-ку.

Таъзия нутқи касбига, эгаллаган лавозимига, қилган ишларига қараб бевосита жаноза маросими устида пайдо бўлади. Сўзга чиқувчилар марҳумни яхши билган кишилар бўлмоғи лозим. Сўнгги хайрлашув сўзини айтувчилар орасида обрўли кишилар бўлса марҳумнинг оила аъзолари ҳам вафот этган яқинимиз анча эътиборли экан, деган яхши ўй-фикрга боради. Дили бирмунча таскин топади.

Таъзия нутқи қадриятларимизни янада сарбаланд қилса қиладики, ерга урмайди. Ишончимиз комилки, таъзияда нутқ сўзлаб марҳумни улуғласак ҳамдардликнинг олий намунасини ифода этган бўламиз. Шу билан меҳр оқибатимизни намоён этамиз.

Бу Ҳадиси шарифнинг «Ўтганларнинг фақат яхши сифатларини тилга олиб ёд этинг!» деган ўгитига амал қилиш билан баробар. Зеро, бу билан миллий ғоямиз, урф-одатларимизни яна бир яхши амал билан бойитган, ўсиб келаётган авлод қалбига эзгулик солган бўламиз.

**Асқарали МАМАТОВ,**
**Чортоқ тумани 17-мактаб рус тили ўқитувчиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби**

## ҲАМ ХОТИРА, ҲАМ ҲОРДИҚ

**Сурхондарё вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгаши томонидан 1979-1989 йилларда Афғон тупроғида шаҳид кетган юртдошларимизни хотирлаб, 14 феврал куни «Спорт – соғлиқ гарови» шиори остида тармоқда меҳнат қилаётган байналмилалчи ходимлар иштирокида спартакиада ўтказилди.**

**Спартакиадада 150 нафар иштирокчилар спортнинг 6 тури яъни, шахмат, шашка, стол теннис, арқон тортиш, армрестлинг (қўлда куч синашиш), кўл тўпи бўйича баҳслашдилар.**

**Қизиқарли ва қизғин курашлар остида ўтган мусобақалар якунида умумжамоа ҳисобида 1-ўринни Сариосиё, 2-ўринни Шўрчи ва 3-ўринни Ангор тумани спортчилари эгаллашди. Мусобақада турлар бўйича ҳам ғолиб чиққан иштирокчиларга вилоят кенгашининг эсдалик совғалари берилди.**

**Бундан ташқари, мусобақада номинациялар бўйича ҳам, яъни энг кекса иштирокчи номинациясида Шеробод туманидан Замон Абдулламинов ва фаол иштирокчи номинациясида шўрчилик Йўлдош Омонтурдиевларга ҳам эсдалик совғалари топширилди.**

**Спартакиада сўнггида иштирокчилардан Ойдин Жўраева сўзга чиқиб, бу каби мусобақалар кўпроқ уюштирилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб ўтди.**

**Х.ДОСОВ**

***Асарнинг бадиий қимматини белгилашда мезон сифатида унинг бир жиҳатини ажратиб олиб кўрсатиш мантиққа хилофдир. Ҳар бир бадиий асар ўзининг барча жиҳатлари мутаносиблиги билан аҳамиятлидир. Чунки бадиий асар ўзининг бир қирраси билан «оқсайдиган» бўлса, одатда, айни бир пайтда бошқа қирралари билан ҳам оқсайди.***

***Мана шундай мутаносибликлар мажмуасини ўзида инъикос топтирган бадиият дунёсини яратиш барча сўз санъаткорларига ҳам насиб бўлавермайдиган саодатдир. Дарвоқе, ҳар тарафлама баркамол бадиий асарлар ярата олмаган адибни сўз санъаткори деб ҳам бўлмайди.***

***Абдулла Қаҳҳор ана шундай тоифадаги, сўзлари олмос қирраларидек жило топган ёзувчи эди.***




# Бедор ва уйғотувчан сўз

Маълумки, нонниng ушоғи ҳам нон. Айтмоқчимизки, ёзувчи асарларининг бадиий қиммати у ёки бу асарнинг ҳажми эмас, балки бу асар қай даражада сайқал топганлиги билан белгиланади.

Биз Абдулла Қаҳҳорнинг турли мақолаларида сочилиб кетган тафаккур чақинлари ҳақида бир қадар мулоҳаза юритмоқчимиз.

**«Ижоднинг боши — ёзувчининг мувозанатдан чиқиши, конкрет асар эса шунинг ифодасидир»**, деб ёзади Абдулла Қаҳҳор.

Мен ўзимнинг камтарин ижодий тажрибамдан шундай кечинмани келтиришим мумкин: ўн йилга яқин олис бир қишлоқдаги мактабда ишладим. Йўлим чексиз бир майдондан ўтар, бу майдон айниқса қош қорайганда ваҳимали бир тус оларди. Мен кечқурун, қишнинг қисқа кунларидан сўнг иккинчи сменадан уйга қайтиш учун ана шу майдонни «кесиб» ўтардим. Шунда «бундай пайтларда аёл кишига мана шу майдондан ўтиш қўрқинчли бўлса керак», — деган ўй хаёлимдан кечарди. Бошқа кунлари худди шу майдондан айни мана шундай маҳалда ўқитувчи аёллар ўтишини билардим. Кейин шаҳарга ишга келдим. Менда ўқитувчилар тўғрисида туркум шеърлар ёзиш истаги пайдо бўлди. Чунки ўқитувчиларнинг обрўсига турли сабабларга кўра маълум даражада путур етаётганлигининг у ер-бу ерда гувоҳи бўлишимга тўғри келарди. Мен ҳар бир халқнинг обрўси мана шу халқ ўқитувчиларининг обрўси билан белгиланишини яхши тушунардим. Шу боис ўз шеърларим билан мўътабар касб эгаларининг яна ҳам ардоқли тоифа бўлишига ҳисса қўшгим келарди. Лекин, бадиий ижодда биргина истакнинг ўзи билан иш битмасди.

Кунларнинг бирида ёзувчи дўстим Исмоил Оллоберганов «Уруш йилларида бир муаллимани қабристонда бўри ғажиб кетган экан, дейишади. Шу ҳақда шеър ёзмайсизми?» деб қолди. Менинг ёдимга дарҳол ҳалиги майдон тушди. Ваҳимали тун. Муаллима аёл. Уни таъқиб қилаётган бўри... Хуллас, мен Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда, «Мувозанатдан чиққан» эдим. Натижада «Дарсдан сўнг» шеъри битилди. Албатта, мен бу воқеани эслаш билан ўзимнинг бир қадар хомуш асарларимни Абдулла Қаҳҳор номи билан ниқоблаб пеш қилиш ниятида эмасман. Бироқ ўз ҳаётимни Абдулла Қаҳҳор ижодий мероси кўзгусига солиб кўриш жуда ҳам мароқли. Қолаверса, Қаҳҳорнинг «мувозанатдан чиқиш» назарияси мезонларида нафақат насрий, балки шеърий асарларнинг ҳам тош босишини таъкидлаб қўйиш айни ўринда жоиздир.

Одатда у ёки бу асар қанча вақт мобайнида ёзилишидан қатъий назар, унга кетадиган «хомашё» бутун умр давомида жамғарилади. Мен шу шеърни ёзишим учун қанча йиллар ўқитувчиликни орзу-ҳавас қилишим, олис Русияда институтнинг адабиёт бўлимини битказишим, чекка бир қишлоқ мактабида узоқ йиллар муаллимлик қилишим, бадиий ижод билан мунтазам шуғулланишим, бунинг устига дўстимнинг таклифи туфайли, Қаҳҳор таъбирича, «мувозанатдан чиқишим» керак бўлди. Ҳолбуки, шеър нари-бериси билан бир кунда оққа кўчирилди. Агар бир шеъргаки шунчалик меҳнат талаб қилинишини билсам, бадиий ижоднинг кўчасидан ҳам ўтмаган бўлардим.

Менинг юқорида таъкидлаб ўтган мураккаб ички ҳолатимни Абдулла Қаҳҳор, мана, қандай ифодалайди: **«Илҳом ёзувчини ҳамма қийинчиликлардан қутқаради»**. Бу қайдларим Абдулла Қаҳҳорнинг менга берган, ким билсин, қанчалаб сабоқларидан биридир. Албатта, Абдулла Қаҳҳор сабоқлари ижодкорга фақатгина ўзини-ўзи англатиш билан чекланмайди. Бу сабоқларнинг қамрови кенг, замири теран, бахш этадиган руҳи юксакдир. Масалан, Абдулла Қаҳҳор **«Йўқ, ўзимни-ўзим кўриб ўтираман. Чунки ўзимдан бўлак ҳеч кимим йўқ»** деб ёзади. Бир қарашда бу гап кибру ҳавони, худбинликни танқид тиғи остига олаётгандек туюлади. Лекин ҳар бир буюк ёзувчида бўлганидек, Абдулла Қаҳҳорнинг ҳам фикрлари ниҳоятда серқатламдир.

Устоз ёзувчининг қаламидан нур чақнаётган бу фикрлардан ҳар бир инсоннинг руҳияти, ана шу кайфиятга яраша шавқ топади. Масалан, Қаҳҳорнинг юқоридаги сатрлари менга ҳазрат Паҳлавон Маҳмуднинг: «Ҳамла қилар менга ғам оғу кўраман, Ўзни таниб, тиззани кўзгу кўраман» каби ўз қиёфасига холис бир тарзда нигоҳ ташлашни тарбиялайдиган ҳикматини уқтиради. Бу сатрлар, ёхуд, менинг хотирамга ҳазрат Навоийнинг:

**Кўп ўқидим Вомиқу,**
**Фарҳоду, Мажнун қиссасин,**
**Ўз ишимдан булъажаброқ**
**достоне топмадим,**

деб битилган буюк одамнинг ёлғизлик фожеаси тўғрисидаги изтиробли мисраларини туширади. Албатта, Абдулла Қаҳҳор қаламига мансуб бу сатрларнинг ҳазрат Паҳлавон Маҳмуд ёки Низомиддин Алишер Навоий мисралари билан ҳамоҳанглиги бежиз эмас. Чунки Абдулла Қаҳҳор ҳам ўз давридаги Паҳлавон Маҳмуд ҳамда Алишер Навоий сингари ўзбек адабиётининг пешқадам вакили, шунга кўра ўзи яшаб турган замон ва маконга ёғаётган жаҳолат тошларига кўксини қалқон қилаётган ва шу боис муайян маънода ёлғизликка маҳкум одам эди. Буюк адиблар қаламига хос бўлган бундай ўхшашликларнинг боиси тақлидчиликдан эмас. Асло. Бундай ўхшашликларнинг боиси ҳамдардликдандир.

Абдулла Қаҳҳорнинг қалами бир ҳаракат билан бутун даврни ўз ичига қамраб олади. У ёки бу даврнинг қиёфасидаги бир ажинни ҳам «тушириб» қолдирмай, сезилар-сезилмас бир ифодани ҳам айнитмаган ҳолда, ўзида яққол акс эттиради. Масалан, **«Бошқа ишга ярамай адабиётда танқидчилик қилиб кун кўриб юрган танқидчи қўрқоқ қоровулдай, ҳар шарпадан чўчиб, шақилдоқ чалаверади»**.

Дарҳақиқат, шаҳид кетган адибларимиз жаллодларига болтани ўткирлаб, милтиқнинг тепкисини қайтариб берганлар мана шундай «танқидчилар» эмасмиди?! Кўриб турганингиздек, бу сатрларда бутун бир қатағон даврининг жирканч башараси ўз аксини топаётир.

Абдулла Қаҳҳор асарлари ниҳоятда серфайз. Унинг ҳар бир сатридан ҳикмат жавоҳирлари жилоланиб туради. Ёзувчининг асарларида наинки ҳар бир гапнинг, ҳар бир сўзнинг ўз вазифаси бор. Қаҳҳор қаламига мансуб саҳифаларда бекорчи ёзувнинг ўзи йўқ. Бу муборак битикларда ҳар бир гап, ҳар бир сўз, ҳар бир ҳарф, ҳар бир тиниш белгиси меҳнат қилади. Бу сўзлар биз китобни серзавқ, сериштиёқ мутолаадан сўнг ёпиб қўйганимиздагина ҳордиқ чиқара бошлайдилар. Улар олаётган бу ҳордиқнинг умри узоқ эмас. Чунки адабиёт мухлислари Абдулла Қаҳҳор китобларининг тинчини бермайдилар. Бу китоблар ҳамиша бедор ва уйғотувчан. Бу китоблар нафақат ўқувчиларни, балки ёзувчиларнинг ҳам энг яқин дўстидир, устозидир. Шунинг учун ҳам биз Абдулла Қаҳҳорни ёзувчиларнинг ёзувчиси деб дадил айта оламиз.

**Матназар АБДУЛҲАКИМ,**
**Хоразм Маъмун академиясининг илмий ходими**

---

**Абдулла ҚАҲҲОР**

# Сеп

*Ҳикоя*

***Шерали билан Шаҳринисо бир-бирини яхши кўрар эди. Лекин иккови ҳам очиқчасига бир нима деёлган эмас. Бир нима дейиш қаёқда, даладами, қишлоқдами, бир-бирини кўриб қолса, худди биров «ўҳу!» деяётгандай чулдираб қолар эди. Ошиқликни беркитиб бўлар эмишми. Буларнинг дардини, барибир ҳамма билар эди. Шерали аскарликка кетаётганида кузатгани чиққанлар шунинг учун орадаги кераксиз пардани кўтара қолишди.***

Шаҳринисонинг ўртоқлари четга тортиб:

— Ноз қилмай ўл. Гаплашсанг-чи, — дейишди.

Йигитлар Шералини турткилашди:

— Ким айтади сени йигирмага кирган йигит деб, иссиқ-иссиқ ўпмайсанми...

Кузатгани чиққанлар ўзларини гўлликка солиб туришди. Иккови бирин-кетин станциянинг орқасига ўтиб кетди.

Шерали даромад қилгани гап тополмай, Шаҳринисонинг қўлини ушлади.

— Мана энди биз кетаётибмиз, сиз қолаётибсиз...

— Ой бориб, омон келинг...

— Сизга бир нима демоқчи эдим.

— Айтинг.

Шерали икки-уч оғиз ростлади-ю, индай олмади.

Шаҳринисо кулиб юборди.

— Эсингизга солайми? «Яхши кўраман» демоқчи эмасмикинсиз?

Шерали қип-қизариб бир кўзи кичрайиб кетди. Лекин хийла дадил бўлиб, унинг билагидан ушлади.

— Сиз-чи? Менга қаранг. Бир қаранг. Сиз ҳам яхши кўрасизми?

Шаҳринисо Шералининг билагини чимчилаб:

— Боринг, — деди ва дўпписини кўзига туширди.

Унинг бу ҳаракати Шералининг саволига энг яхши жавоб эди. Бироқ Шерали бунга қаноат қилмас, рўйрост «мен ҳам сизни яхши кўраман» дейишини хоҳлар эди. Шунинг учун гапни айлантирди.ч

— Бизнинг-ку суратимиз сизга керакмасдир, лекин сиз суратингизни берсангиз бўлар эди. Ё арзимаймизми? Мумкинми сочингиздан бир толасини олсам? Ёдгорликка...

— Ёдгорлик берганман-ку.

— Нима берибсиз?

Шаҳринисо аразлаб бурилди.

— Ҳали ҳам билмас экансиз-да!

— Билмайман. Нон урсин агар, билмайман! Кечирасиз...

— Билмасангиз билиб олинг: кўнглимни берганман!

Шаҳринисо қизиқ устида шундай дейишга деди-ю, кейин уялди; чопқиллаганича панжаранинг орқасига ўтиб кетди. Бу яхши бўлди, чунки Шерали унинг сўзига жавобан нима дейишини, нима қилишини билмас, нима деса ва нима қилса назарида сохта чиқаётгандай кўринар эди. Унинг сўзини босиб тушадиган зўр гапни хайрлашганда топиб айтиш умиди билан ўзига тасалли берган эди, бу ҳам бўлмади. Хайрлашганда Шерали шундай бир аҳволда эдики, кузатгани чиққанлардан кимдир «бола бечорани муҳаббат элитибди-ку», деб қўйди.

Орадан яқин икки ой ўтиб, Шералидан хат келди:

«Ой юзли, ширин сўзли Шаҳринисохонга. Ўзимни соғ-саломатлигимни билдиришлик баробарида сиз гўзал ёримнинг ҳам ўйнаб-кулиб юришингизни табиатнинг энг нозик жойларидан тилаб қоламан.

Мени сўрасангиз, ҳозир ҳарбий лагердаман... «Машқда қийналсанг, урушда қийналмайсан» деган шиорни ортиғи билан бажармоқдаман, пулемётга ишқибоз бўлиб қолдим. Шуни ҳавас билан ўрганмоқдаман. Яна шуни билдимки, Шаҳринисохон, агар ишлар планли, киши интизомли бўлса, битта одамнинг қўлидан жуда-жуда кўп иш келар экан. Шу тартиб-интизомнинг тўртдан бири звеномизда бўлса, ҳар туп ғўзадан баҳузур бир кийимлик пахта олишимиз мумкин экан, деб қўйдим. Омонлик бўлса қайтиб борсам, бутун район қойил қоладиган иш қиламан...

Сизни соғиндим. Жон Шаҳрихон, бир марта тушимга киринг. Энди қандоқ қилай, ишқилиб менга берган сўзингиз чин бўлса — бас. Ўзингиз биласиз, сизни қанчалик яхши кўришлигимни юз процент ёзаман десам, бир гектар қоғоз ҳам етмайди.

Хатингизга интизор бўлиб Шерали».

Шаҳринисо ёзган жавобида қанча байту ғазаллардан кейин шундай деди:

«...Районни қойил қолдирадиган ишни шу ерга келиб қиладиган бўлсангиз, пулемётни жўхори кўригани ўрганаётган экансиз-да. Мен шунақа ишни урушда қиласиз деган умидда эдим. Ундай бўлса шарт қўяман: менга маҳр берасиз, менинг маҳрим — юз фашистнинг боши. Мени қанчалик яхши кўришингизни билдирмоқчи бўлсангиз бир гектар эмас, тўрт энли қоғоз етади...»

Шерали шу шартга унаб хат қайтарди...

«...Юз фашистнинг боши сизники. Ё донғим чиқади, ё чангим чиқади. Энди мумкинми биз ҳам бир нима десак: маҳр сўраган қиз сепи билан келади, сизнинг сепингиз нима бўлади? Район қойил қоладиган ишни мен боргунча қилиш қўлингиздан келадими?

Сизнинг сепингиз шу бўлади».

Шаҳринисо нима жавоб берганлиги кузда маълум бўлади.

**1944 й.**

Атроф-муҳит ва мувозанат

# Табиатга тош отманг

## охир-оқибат ўзингизга келиб тушади



Мен тоғлар бағридаги қадимий қишлоқда туғилиб ўсганман, номи Хондайлиқ. Бу сўз маъносини ҳам ўрганганман: ўзимиздан чиққан серқирра адиб бобомиз Сирожиддин — Сидқий Хандақлиқийнинг ёзиб қолдиришича, туғилган жойимиз хандақ қазиб ёвлардан ҳимояланганлар макони экан. Аммо, иқрор бўлиш керак, аждодларимиз жуда олисни кўра олувчи ўта тадбиркор инсонлар экан. Бинобарин, бошқа кўп жойларга таққосланганда Хондайлиқнинг анча имтиёзли томонлари бор: сел боса олмайди, кўчкилар таҳдид солмайди, шамол-довуллар четлаб ўтади, қуёш кун бўйи сахийлик билан нур сочади. Таъбир жоиз бўлса айтиш мумкинки, агар бу масканда яшовчилар яхши ният билан атроф-муҳитни авайлабасрашда, шунингдек, ободончилик, бунёдкорлик каби масалаларда ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилсалар, ўзаро меҳроқибатли, оқил ва ишбилармон бўлсалар, Хондайлиқни ҳақиқий жаннатмаконга айлантириш сираям қийин эмас...

Болалик ва ўспиринлик даврим қишлоқда кечди. Уззукун кўркам боғу роғларда, қишлоқ теграсини гир айлана ўраган салобатли, сеҳрли ва бағри табиий бойликларга тўлиб-тошган тоғларда кезиб юрар эдик. Кечқурунлари уйга қишлоқнинг қўш кокилидай икки биқинидан оқиб ўтувчи Шўробсой ва Туятошисойдан истаганча балиқ тутиб қайтардик. Балиқлар ҳам атайдан саралаб олгандай: шоҳбалиқлару хонбалиқлар! Каклик, каптар, бедана, қирғовул сингари турли-туман қушлар, бўрсиқ, тулки, қуён, жайра, тўнғиз, силовсин, сувсар каби ёввойи ҳайвонлар шу қадар сероб эдики, ҳар қадамда кўриб кўз қувонарди.

Кейин... тузоқ, қопқон, жела деган офатлар пайдо бўлиб, милтиқ кўпайди. Энг даҳшатлиси, одамлар турли заҳарли моддалар, у ҳам етмагандай электр токи воситаси билан овга киришдилар. Кўп вақт ўтмай Туятошисой, Шўробсойлар ўлик сув оқувчи ўзанга айланди. Ҳозир тоғларимиз, боғроғларимизу сувларимиз шипшийдон. Табиатнинг еб тўймас кушандалари энди энг сўнгги табиий бойликлар бўлмиш доривор гиёҳларни ҳам талонторож қилишга зўр бериб киришганлар. Бу кабиларни тергаш, тўхтатиш, жазолаш ёки тартибга солиш қоғоз ва ҳужжатларда бўлса бордир, аммо амалда йўқ ҳисоби. Хуллас, болалигимизда ҳар қадамда учраб турувчи табиат безаклари, жозиба-ю гўзалликлар шиддатли суръатда йўқолиб бораётгани айни ҳақиқат. Мен мақтаган Хондайлиқ атрофи ҳувиллаб қолди. Хўш, диёримизнинг бошқа тарафларида бу соҳадаги аҳвол қандай экан?

Афсус, биз бор ҳақиқатни рўй-рост айтиш ўрнига воқеани бўяб-бежаб кўрсатишга, бирбиримизни асоссиз овунтиришга, қисқаси, чиройли ёлғонларга устаси фаранг бўлиб кетганмиз. «Пичоқни аввал ўзингга ур...», нақлидан келиб чиқиб, ўз қишлоғим атрофидаги табиатда содир бўлаётган ўпирилишу инқирозларга эътиборни қаратдим. Аслида бунақа аҳвол диёримиз бўйича юз бераётган даҳшат эканлигидан яхшигина хабардорман. Тоғу тошларимиз қолиб, чўлу биёбонларимизда, дарё-ю кўлларимизда табиат жониворларига қирон солинаётганини аниқ далиллар билан қайта-қайта исботлаш мумкин. Қийратилаётган ғоз ва ўрдак, бедана ва тувалоқ каби мавсумий қушлар сайёрамизнинг қайсидир осойишта ўринларида кўпайишиб, сафларини қайта тиклаб олишар. Қирғовул, каклик сингари турғун яшовчи қушлар-чи? Шундоққина кўз ўнгимизда улар шиддат билан камаймоқда. Айниқса, қирғовул бутунлай қирилиб кетиш арафасида десак, ҳеч ким инкор этолмас.



Энди бошқа бир манзарани кўринг. Антиқа таомлар тайёрловчи сирли ошхоналар пайдо бўлиб, йил сайин кўпаймоқда. Уларда бўрсиқ шўрвами, айиқ гўштидан димламами. жайра ёки типратикон қайнатмасими... Йилнинг ҳар қайси фаслида кўнглингиз нимани тусаса, марҳамат, муҳайё экан! Хўш, бу жойларга масаллик қаёқдан келяпти ва уларни ким етиштириб бермоқда? Ўта абжир, ғоят уддабурон ва чаққон буюртма бажарувчилар ўзларича янги «касб» яратдилар. Яъни, шоввоз «экспедиторлар» йилнинг исталган пайтида буюртма қилинган ёввойи ҳайвонлару қушларни овлаб келаверишади. Масалан, айиққа буюртма олсалар, аввалдан кўриб қўйилган айиқ инига борадилар-да, кавлаб очиб, қиш уйқусида ётган жониворни отадилар. Бирпасда саранжомлаб, «маҳсулот»ни буюртмачига етказишади. Айиқ болалаган, мурғакларни эмизиб ётган бўлса... бир оила бутунлай йўқ деяверинг! Бу «очилдастурхон» вақти етиб албатта, ёпилади. Ахир, бўрсиқ, жайра ёки типратикон сингари антиқа жониворлар беҳисоб эмас-ку!

Энди балиқ муаммосига қайтсак. Менинг қишлоғим аҳли камёб балиқлардан маҳрум бўлганига ярим асрга яқинлашиб қолди. Хлор сингари кимёвий дорилар ва электр қувватидан фойдаланиш орқали балиқлар бутунлай қийратиб юборилмаганда, ақлу инсоф билан иш юритилганда эди, хондайлиқликларнинг қозонларида Оллоҳ ҳадя этган теппа-текин лаззатли таомларнинг ёқимли иси ҳозир ҳам гуркираб турмасмиди! Юқорида айтганимдек, мен кезиб юрувчи ва борган жойларимда табиий аҳволни кузатувчи одамман. Назаримда биргина Хондайлиқ эмас, балки бутун диёримизнинг ариғу анҳорлари, кўлу дарёларидаги балиқлар ҳам тобора камаймоқда. Шунинг учун бўлса керак, «зангори экран»ларда авлиёлар ўтган жойларнинг булоқларидаги балиқларгина қайта-қайта намойиш этилаверади...

Ҳадеб зорланавеишдан унчалик наф йўқ, албатта. Йўқотишларнинг олдини олиш, табиий бойликларимизни (қолган-қутганларини) қайта тиклаш учун ҳеч кечиктирмай қатъий курашга ўтишимиз лозим. Ҳечдан кўра кеч, деганларидай, табиат муҳофазаси масаласига диёримизнинг барча катта-ю кичик аҳли бир ёқадан бош чиқариб шиддат ила киришмоғи шарт, деб ўйлайман.

2007 йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили деб номланиши айни муддао бўлди! Бошқа соҳалар сингари табиат муҳофазасига жуда катта имконият яратилди, кенг йўл очиб берилди. Ҳаммамиз масалага онгли суратда ёндашиб, табиий бойликларимизни асраб-авайлаб, астойдил ҳимоялашга бутун борлиғимиз билан отланмасак, авлодларимиз олдида юзиқора бўламиз, хиёнаткор деган тавқи лаънатга учраймиз. Бу борада, биринчи навбатда, атроф-муҳит муҳофазасига дахлдор ташкилотлар қуруқ қоғоз қоралаш, олдиқочди овунчоқлар билан аввал ўзларини, қолаверса, бошқаларни алдаб юрмасдан, ҳар томонлама фойдали фаолиятга ўтишлари шарт! Масъулиятни ўз хоҳишлари билан зиммаларига олган бу турдаги ташкилотларга эса жамики бошқа жамоалар ҳам яқиндан ёрдам кўрсатмоқлари лозим. Бу ўринда фуқаролар йиғинлари, маҳалла сардорлари ўз тасарруфларидаги ҳудудлар ва аҳоли орасида табиат муҳофазасига энг асосий вазифалардан бири сифатида ёндашиши зарур. Айниқса, мактаб жамоаларида жуда катта натижаларга эришиш имкониятлари бор. Аввало болаларимиз онгига табиий неъматларни «ўзингнинг энг муҳим бойлигингни ўзинг асра», қабилида мудом сингдириб борайлик. Бир йўла фарзандларимизга ўз ҳудудларида мунтазам текширув ва кузатувлар олиб боришни ўргатайлик, уларни атроф-муҳитни қўриқлашгина эмас, муттасил бойитишга жалб этиб бориш ҳам бош масалалардандир. Тоғлардан оқиб келаётган сой ва ариқларимизни қадимдагидай кўркамликка қайтариш, яъни балиқ турларини кўпайтириш ва сергаклик билан уларни қўриқлаб бориш каби юмушларни бу соҳага тегишли идора-ташкилотлар ва катта ёшдагиларга қараганда фарзандларимиз яхшироқ уддалайдилар. Гап уларни мустақил фикрли, қатъиятли, дадил ва жасур, ўз ерининг ҳақиқий эгалари даражасида тарбиялашда қолган. Тоғу тошлардаги табиий бойликлар ҳимоясида ҳам ёшлар орқали қувончли натижаларга эришиш мумкин.

Бу йил қиш анча оғир келди. Тоғлардаги жониворлар нажот излаб одамлар яқинига туша бошладилар. Биз эса ёрдам қўлини чўзиш ўрнига бор қуролларни ишга солиб, уларни қийратишга киришдик. Ахир шундоқ ҳам улар ўлимга маҳкум, кучлилари ожизларини тутиб ейди. Устига устак буёқдан биз қурол билан қарши олсак, шундай вазиятда қайга қочиб жон сақласин, бечоралар?!

Табиат завол топган сайин ҳаёт кечириш мушкуллашиб боришини ҳозир гўдак ҳам тушунади. Ҳадеб «табиат гуноҳкорни кечирмайди, йўқотилган табиий бойликларни тиклаб бўлмайди!» дея жар солавермай, зудлик билан амалий ишга киришмоқ керак. Мен ўзим Бўстонлиқ тумани ва Хондайлиқ томонларда ўлик сувларни балиқлар билан жонлантириш, атроф-муҳитда осойишталикни таъминлаш каби юмушларга астойдил киришганман. Табиат кушандаларини эса, ким бўлишидан қатъи назар, матбуот, радио ва телевидение орқали аёвсиз фош этавераман!..

Зора, бир кун инсофга келишса!



**Асад АСИЛ,**
**ёзувчи**

Мозий бисотидан

# Туркий маликалар

***Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, туркий маликалар давлат сиёсатига фаол аралашганлар, Улар умумий ном билан «Туркон хотун» деб аталган. Айниқса, XII аср охирларидан бошлаб аёл атамаси хотун, хоним, бегим, бегойим, оқа тарзида қўлланилган. «Туркон хотун» «Турк маликаси» деган маънони англатган. Ушбу жараённи тўла тасаввур этиш учун тарихга бир карра назар ташлаймиз, Масалан, Сибирдан топилган Ўрхун—Енисей ёдгорликларини эслаб кўринг. Қутлуғ Тўғон ва Билка қоон қабр тошларига ўйиб ёзилган битикларда «Турк халқининг оти, шуҳрати йўқолмасин» деб отам хоқонни, онам хотунни юқори кўтарган Тангри, эл ҳукумат берган Тангри (турк оти) шуҳрати йўқолмасин деб ўзимни ҳам ул Тангри ҳоқон этиб ўтказди», деб хабар берилади.***



Мелодий VII- VIII асрларнинг бу ёдгорлигида Туркон хотун бир элнинг бошлиғи - ҳукмрон сифатида гавдаланади. Туркон хотун шаънига шундай шеър битилган:

***Туркон хотун қошига***
***Мендин еткур шеър,***
***Хизматига ходимингиз***
***Рост деб паём бер.***

Юқоридаги тарихий тўртликлардан хулоса чиқариш мумкинки, туркий халқларнинг аёллари хоҳлаган ишларини қила олишга ўзларида зўр куч ва қудрат топа оладиган, жасоратли ва иродали аёлдирлар. Бу гапнинг нечоғлик тўғри эканлигини 1718 йилда Истамбулда Англия элчисининг хотини Мери Уортли Монтегу ҳам таъкидлаб ўтганлиги биз учун фахр ҳам ғурурланса арзийдиган воқеадир.

— Чиндан ҳам туркий халқларнинг хотин-қизлари дунёнинг турли мамлакатларида ҳукмрон ёки малика сифатида фаолият кўрсатганлар. Хотин-қизларнинг сиёсатга аралашуви шу халқнинг юқори маданиятидан дарак берган. Хитой хоқонлари, Киев ва Новгород князлари ботир ва мард фарзанд кўриш учун ўз ўғилларини жасур қизларга уйлантирганлар.

VII асрнинг охирида яшаган Бухор-Худоднинг беваси Тўхшода хотун ана шундай "Туркон хотун"лардан эди. Бухор I вафотидан сўнг ёш ўғли номидан ҳукмронлик қилган Тўхшода Туркон хотун Бухоро, Самарқанд, Омул савдо йўлларини ўз тасаррруфида сақлайди.

Ўзининг уддабуронлиги, гўзаллиги ва ишбилармонлиги билан ҳукмдорларни ҳайратга солган яна бир Туркон хотун Салжуқий султони Маликшоҳнинг (1072-1092 йиллар) хотини эди. У қорахонийлар авлодидан бўлиб, жуда ғайратли, давлат ишларини бошқаришда Маликшоҳ билан баробар нуфузга эга эди.

Тўмарис, Тўрабекхонимлар Хоразм тарихида мард ва жасур, ватанпарвар малика сифатида тилга олинса, Муҳаммад Хоразмшоҳнинг онаси, Жалолиддин Мангубердининг бувиси Туркон хотун номи эса қаҳр-ғазаб билан тилга олинади. Негаки, Хоразмшоҳлар империясининг қулашида унинг ҳам айби катта бўлганлиги тарихий ҳақиқатдир.

Маълумки, XI аср охиридан XIII аср бошларигача Ўрта Осиёда ҳукм сурган хоразмшоҳлар давлати қудратли ҳарбий кучга эга давлат бўлиб, ўз давридаги юксак маданиятли давлатлар қаторидан ўрин олган. Унинг ҳудуди жанубдан Форс қўлтиғи, шимолда Дашти Қипчоқ, шарқда Хитой ва ғарбда Кавказ тоғларигача чўзилган.

Хоразм ҳукмдори қадимги Хоразмнинг «Хоразмшоҳ» ва арабларнинг «Султон» унвонига эга бўлгани ҳолда Хоразмшоҳнинг 1-хотинига қадимий туркча "Хотун" унвони берилган. Ана шу тариқа Хоразм хотун ҳоқони катта қудратга эга бўлган саркардаларининг кўпчилиги онасининг уруғидан (Қипчоқ) бўлганлиги эди. Чунки Хоразм-империя ҳукмдорлигининг бир намояндаси бўлган. Хоразмшоҳ (Текеш) ўлимидан кейин унинг ўғиллари орасида тахтга номзод кўрсатишда хотун сиёсати муҳим рол ўйнаган. У тахтга ўғли Муҳаммад Хоразмшоҳни тайинлайди.

Туркон хотуннинг Хоразмшоҳ саройи билан рақобатлаша оладиган ўз саройи бўлган. У олий мансабдаги амалдорларни зўрлик билан тайинлар, лозим топса Хоразмшоҳнинг буйруқларини тўхтатиб ҳам қўярди. Негаки, бир талай ҳарбий амалдорлар — Қипчоқ қабилаларининг бошлиғи, Хоразмшоҳнинг лашкарбошилари унинг атрофида тўпланишган эди.

Тарихчи Ан-Насавийнинг маълумотига қараганда, Туркон хотун давлатни шу даражада қўлга олиб қўйган эдики, натижада Муҳаммад Хоразмшоҳ мамлакат ичкарисидагина эмас, балки халқаро майдонда ҳам Хоразм юртининг ҳукмдори сифатидаги ролини онасига бой бериб қўйган эди. Бунга асосий сабаблардан бири Алоуддин Муҳаммад ўғил фарзанд сифатида ёшлигидан ўз онасининг сўзига қулоқ солиб, унинг топшириқларини бажаришга одатлангани бўлса, иккинчи сабаб Хоразмшоҳнинг шоҳ Қипчоқ саркардаларига кўп ҳам ишонмас, улардан чўчирди.

Тарихий манбалар шуни кўрсатадики, Хоразмшоҳлар давлатини мўғуллар босқини даврида икки ҳукмдор бошқарган. Тўғрироғи, мамлакатда икки пойтахт шаҳар — Гурганж ва Самарқандда Туркон хотун ва Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад алоҳида ҳукмрон эди. Самарқандда Хоразмшоҳ ўз имзоси ва муҳри билан фармонлар берса, Гурганжда ўзига худованди жаҳон (бутун олам ҳукмдори) унвонини олган Туркон хотун ўзини ўғли Муҳаммаддан устун қўяр ва унинг кўплаб буйруқларини бекор қиларди. Буйруқларига "Тинчлик ва дин ҳомийси, коинот аёллари маликаси Туркон" деб имзо чекар эди. Натижада у ўзи билиб-билмай, бу иши билан буюк Хоразмшоҳ давлатининг илдизига болта урарди. Пировард оқибатда мамлакат ҳалокат ёқасига келиб қолганди.

Хоразм салтанатининг устунлари емирилиб қулаган пайтда малика набираси Жалолиддинга (туркман хотини Ойчечакдан туғилган) гарчи мўғуллар Хоразмга хавф солиб турган бўлса ҳам салтанатни топширмайди, балки унга қарши ўзининг тарафдорлари билаи тил бириктириб суиқасд уюштиради ва бу билан Хоразм давлатининг қулашини тезлаштиради. Буни тез фаҳмлаган Жалолиддин Мангуберди ўз яқинлари билан Гурганждан чиқиб кетишга мажбур бўлади.

Жалолиддин Мангубердидек қалқонидан айрилган Гурганж ва қалъа аҳлини мўғуллар енгиб, Алоуддин Муҳаммаднинг фарзандларини асир олиб, қатл эттиради. Хотинларини Чингизхон ва унинг яқин кишилари бўлиб олишади. Туркон хотун эса Чингизхон қароргоҳига юборилади. Асирликда ўтган Туркон хотуннинг ҳаёти ниҳоятда ачинарли эди. Унинг умри хор-зорликда кечади. Энг аянчлиси шуки, бир пайтлари ўта улуғвор, димоғдор ва шуҳратпараст бўлган Туркон хотун Мўғулистонда Чингизхон ҳузурида яшаб, ундан қолган сарқит билан тирикчилик ўтказади. Эл-юртга хиёнат қилиб, Хоразмдек буюк давлат, Хоразмшоҳлар сулоласининг инқирозга юз тутишида билиб-билмай қилган хатоларининг жабрини Туркон хотун анча йиллар тортиб, ғарибликда, ўз юртидан узоқда — 1233 йилда Мўғулистонда вафот этади. Бир пайтлари Хоразмшоҳлар салтанатининг бир устуни бўлган Туркон хотуннинг қаерга дафн этилганлиги маълум эмас.

Хоразмшоҳлар давлатининг энг ишончли тоғларидан бири бўлган, ўша пайтда Шарқ мусулмони оламида мустақил Кубровия тариқатига асос солган буюк зот Нажмиддин Кубро (1145-1220 йиллар)нинг Гурганж аҳолисини қарийб 7 ой жангга отлантириб тургани ва сўнггида шаҳид бўлгани фанга маълум. Унинг онаси Биби Ҳожар эна ўз замонасининг зукко, илмли аёлларидан бири эди. Бугунги кунда Биби Ҳожар мақбараси Хива туманидаги Саёт қишлоғи файзига файз қўшиб турибди. Бу ерда маънавият мажмуаси, боғ ва музей ташкил этилган, мақбара зиёратгоҳга айлантирилган.

Шарқ ҳукмдорлари меҳрибон она, севикли ёр хотираси учун буюк кошоналар, саройлар, мақбаралар қурдирганлар. Кўҳна Урганчдаги Тўрабекхоним, Хивадаги Бикажон Бика, Самарқанддаги Бибихоним, Аградаги Тожмаҳал (Ҳиндистон) сарой ва мақбаралари бунга мисол бўла олади.

Оврўполик элчиларнинг ёзишларича, Амир Темур чопарларни қабул қилиш маросимида бир томонга бек ва амалдорларни ўтқазган, иккинчи томонда эса хотинлар, давлат маслаҳатчилари бўлишган. Умуман, тарихда эъзоз топган темурий маликалар Бибихоним, Шоҳруҳнинг хотини Гавҳаршодбегим, Бобурнинг онаси Қутлуғ Нигорхоним, момоси Эсон Давлатбегим, қизи Гулбаданбегим, опаси Хонзодабегим, Жаҳонгирнинг хотини Нуржаҳон, Шоҳжаҳоннинг қизи чизмачи (меъмор) Жаҳонаро, хотини Мумтоз Аржуманд Бону, Аврангзебнинг қизи Зебунисобегимлардир. Шубҳасиз, ўша даврларда етук маънавият ва билим асоси, ўзлик ҳамда миллат туйғусининг шаклланмоғи, Ватан равнақи учун ягона йўл эканлигини англаган ҳолда баҳодир аёлларнинг етишиб чиқиши табиий эди. Шуниси ҳайратланарли эдики, улар меҳрибон оналар, содиқ ёр ва доно оила бошлиғи бўлишлари билан бирга адолатли ҳукмдор, жасур овчи ва маҳоратли жангчи ҳам эдилар.

Яна шуниси қизиқки, қадимги туркий халқларда қиз бола 14 ёшга етгач мустақил саналиб, ўз умр йўлдошини ўзи танлаган. У турмушга чиқадиган йигит ҳар томонлама билимдон, жасоратли, ўз ёри олдида боши тик, кўкси тоғ бўлмоғи зарур эди. Шунинг учун ҳам қадим достонларимизда аёлнинг вафоси, садоқати ва қатъияти баланд пардаларда куйланган.

**Шарқия ЭШЖОНОВА,**
**Хоразм вилояти**

# ФУТБОЛ. ЎЗБЕКИСТОН XVI ЧЕМПИОНАТИ ТАҚВИМИ

**ОЛИЙ ЛИГА**
**28 феврал.**
**Пекин—2008 ёзги Олимпиадасига чиқиш учун 2—саралаш босқич учрашуви. Ўзбекистон олимпия терма жамоаси— БАА олимпия терма жамоаси.**

## БИРИНЧИ ДАВРА

**1 тур. 1 март**
Нефтчи (Фарғона)– Насаф (Қарши)
**2 март**
Локомотив (Тошкент) – Тўполанг (Сариосиё)
Металлург (Бекобод) – Пахтакор (Тошкент)
**3 март**
Андижон (Андижон) – Шўртан (Ғузор)
Вобкент (Вобкент) – Қурувчи (Тошкент)
Трактор (Тошкент) – Бухоро (Бухоро)
Машъал (Муборак)– Навбаҳор (Наманган)
Қизилқум (Зарафшон) – Самарқанд-Д (Самарқанд)

**4 март**
**Ўзбекистон кубоги. Саралаш учрашувлари.**
**7 март**
**ОФК чемпионлар лигаси. Гуруҳ учрашувлари**
**1 тур.**
"Пахтакор"нинг гуруҳдоши Эроннинг "Истиқлол" жамоаси ўз вақтида ўйинчилар рўйхатини ОФКга топширмагани учун Чемпионлар лигасидан четлаштирилди.
Ал-Нажаф (Ироқ)– Нефтчи
**9 март**
**Ўзбекистон кубоги 1/16 финал**
**14 март**
**Олимпиада-2008 саралаш учрашувлари, 2-босқич.**
Яман—Ўзбекистон
**2 тур. 15 март**
Андижон – Нефтчи
**16 март**
Пахтакор – Трактор
Насаф – Вобкент
**17 март.**
Навбаҳор – Қизилқум
Бухоро – Машъал
Тўполанг – Металлург
Қурувчи – Локомотив
Шўртан – Самарқанд-Д

**ОФК чемпионлар лигаси. Гуруҳ учрашувлари. 2 тур. 21 март.**
СК Қувайт (Қувайт)–Пахтакор
Нефтчи–Ал Карама (Сурия)
**Ўзбекистон кубоги. 1/8 финал. Биринчи учрашувлар. 22-23 март**

**Олимпиада-2008 саралаш учрашувлари, 2-босқич. 3 тур. 28 март.**
Ж.Корея—Ўзбекистон
**3 тур. 31 март.**
Нефтчи – Шўртан
Вобкент – Андижон
Локомотив – Насаф
Металлург – Қурувчи
Қизилқум – Бухоро
Самарқанд-Д – Навбаҳор
**1 апрел.**
Трактор – Тўполанг
**2 апрел.**
Машъал – Пахтакор

**4 тур. 5 апрел.**
Нефтчи – Вобкент
**6 апрел.**
Пахтакор – Қизилқум
Шўртан – Навбаҳор
**7 апрел.**
Бухоро – Самарқанд-Д
Тўполанг – Машъал
Қурувчи – Трактор
Насаф – Металлург
Андижон – Локомотив

**ОФК чемпионлар лигаси. Гуруҳ учрашувлари. 3 тур. 11 апрел.**
Пахтакор–Ал Ҳилол (Саудия Арабистони)
Ал-Садд (Қатар)– Нефтчи
**5 тур. 14 апрел.**
Вобкент – Шўртан
Металлург – Андижон
Трактор – Насаф
Машъал – Қурувчи
Қизилқум – Тўполанг
Навбаҳор – Бухоро
**15 апрел.**
Самарқанд-Д – Пахтакор
**16 апрел.**
Локомотив – Нефтчи

**Олимпиада-2008 саралаш учрашувлари, 2-босқич. 4 тур. 18 апрел.**
Ўзбекистон— Ж.Корея
**6 тур. 20 апрел.**
Пахтакор – Навбаҳор
Нефтчи – Металлург
**21 апрел.**
Тўполанг – Самарқанд-Д
Қурувчи – Қизилқум
Насаф – Машъал
Вобкент – Локомотив
**22 апрел.**
Шўртан – Бухоро
Андижон – Трактор

**ОФК чемпионлар лигаси. Гуруҳ учрашувлари. 4 тур. 25 апрел.**
Ал Ҳилол (Саудия Арабистони) – Пахтакор
Нефтчи – Ал-Садд (Қатар)
**7 тур. 28 апрел.**
Локомотив – Шўртан
Металлург – Вобкент
Машъал – Андижон
Қизилқум – Насаф
Самарқанд-Д – Қурувчи
Навбаҳор – Тўполанг
**29 апрел.**
Трактор – Нефтчи
**30 апрел.**
Бухоро – Пахтакор
**8 тур. 4 май.**
Шўртан – Пахтакор
Нефтчи – Машъал
Локомотив – Металлург
**5 май.**
Тўполанг – Бухоро
Қурувчи – Навбаҳор
Насаф – Самарқанд-Д
Андижон – Қизилқум
Вобкент – Трактор

**ОФК чемпионлар лигаси. Гуруҳ учрашувлари. 5 тур. 9 май.**
Нефтчи–Ал Нажаф (Ироқ)
**9 тур. 12 май.**
Металлург – Шўртан
Трактор – Локомотив
Машъал – Вобкент
Самарқанд-Д – Андижон
Навбаҳор – Насаф
Бухоро – Қурувчи
**13 май**
Қизилқум – Нефтчи
**14 май**
Пахтакор – Тўполанг

**Олимпиада-2008 саралаш учрашувлари, 2-босқич. 5 тур. 16 май.**
БАА–Ўзбекистон

**10 тур. 18 май**
Қурувчи – Пахтакор
**19 май**
Насаф – Бухоро
Андижон – Навбаҳор
Нефтчи – Самарқанд-Д
Вобкент – Қизилқум
Локомотив – Машъал
**20 май**
Шўртан – Тўполанг
Металлург – Трактор

**ОФК чемпионлар лигаси. Гуруҳ учрашувлари. 6 тур. 23 май**
Пахтакор – СК Қувайт (Қувайт)
Ал Карама (Сурия) – Нефтчи
**11 тур. 26 май**
Трактор – Шўртан
Машъал – Металлург
Қизилқум – Локомотив
Самарқанд-Д– Вобкент
Бухоро – Андижон
Тўполанг – Қурувчи
**27 май**
Пахтакор – Насаф
**28 май**
Навбаҳор – Нефтчи

**Олимпиада-2008 саралаш учрашувлари, 2-босқич. 6 тур. 6 июн.**
Ўзбекистон—Яман
**12 тур. 9 июн**
Шўртан – Қурувчи
Вобкент – Навбаҳор
Металлург – Қизилқум
Локомотив – Самарқанд-Д
**10 июн.**
Трактор – Машъал
Насаф – Тўполанг
Нефтчи – Бухоро
**11 июн.**
Андижон – Пахтакор

**Ўзбекистон кубоги. 1/8 финал. Жавоб учрашувлари. 14 июн.**

**13 тур. 17 июн.**
Пахтакор – Нефтчи
**18 июн.**
Машъал – Шўртан
Қизилқум – Трактор
Самарқанд-Д – Металлург
Навбаҳор – Локомотив
Бухоро – Вобкент
Тўполанг – Андижон
Қурувчи – Насаф
**14 тур. 22 июн.**
Локомотив – Бухоро
Андижон – Қурувчи
Нефтчи – Тўполанг
Вобкент – Пахтакор
Шўртан – Насаф
**23 июн.**
Металлург – Навбаҳор
Трактор – Самарқанд-Д
Машъал – Қизилқум
**15 тур. 26 июн.**
Қурувчи – Нефтчи
**27 июн.**
Пахтакор – Локомотив
Қизилқум – Шўртан
Самарқанд-Д – Машъал
Навбаҳор – Трактор
Бухоро – Металлург
Тўполанг – Вобкент
Насаф – Андижон

**Осиё чемпионати. 7-29 июл.**

## ИККИНЧИ ДАВРА

**Ўзбекистон кубоги. 1/4 финал. Биринчи учрашувлар 1 август.**

**16 тур. 5 август.**
Шўртан – Қизилқум
Трактор – Навбаҳор
**6 август.**
Машъал – Самарқанд-Д
Металлург – Бухоро
Локомотив – Пахтакор
Вобкент – Тўполанг
Нефтчи – Қурувчи
Андижон – Насаф

**Ўзбекистон кубоги. 1/4 финал. Жавоб учрашувлари, 11 август.**

**17 тур. 16 август.**
Пахтакор – Вобкент
**17 август.**
Насаф – Шўртан
Қурувчи – Андижон
Тўполанг – Нефтчи
Бухоро – Локомотив
Навбаҳор – Металлург
Самарқанд-Д – Трактор
Қизилқум – Машъал

**Олимпиада-2008 саралаш учрашувлари, 3-босқич. 1 тур. 22 август.**

**18 тур. 25 август.**
Шўртан – Машъал
Металлург – Самарқанд-Д
Локомотив – Навбаҳор
Вобкент – Бухоро
Андижон – Тўполанг
Нефтчи – Пахтакор
**26 август.**
Трактор – Қизилқум
Насаф – Қурувчи
**19 тур. 3 сентябр.**
Пахтакор – Андижон
Тўполанг – Насаф
Бухоро – Нефтчи
Навбаҳор – Вобкент
Самарқанд-Д – Локомотив
Қизилқум – Металлург
Машъал – Трактор
**4 сентябр.**
Қурувчи – Шўртан

**Олимпиада-2008 саралаш учрашувлари, 3-босқич. 2 тур. 8 сентябр.**

**Олимпиада-2008 саралаш учрашувлари, 3-босқич. 3 тур. 12 сентябр.**
**20 тур. 15 сентябр.**
Шўртан – Трактор
Қурувчи – Тўполанг
**16 сентябр.**
Металлург – Машъал
Локомотив – Қизилқум
Вобкент – Самарқанд-Д
Нефтчи – Навбаҳор
Андижон – Бухоро
Насаф – Пахтакор

**ОФК чемпионлар лигаси. 1/4 финал. Биринчи учрашувлар. 19 сентябр.**
**Ўзбекистон кубоги. 1/2 финал. Биринчи учрашувлар. 19 сентябр.**
**21 тур. 22 сентябр.**
Тўполанг – Шўртан
Пахтакор – Қурувчи
Бухоро – Насаф
Навбаҳор – Андижон
Самарқанд-Д – Нефтчи
Қизилқум – Вобкент
Машъал – Локомотив
**23 сентябр.**
Трактор – Металлург

**ОФК чемпионлар лигаси. 1/4 финал. Жавоб учрашувлари. 26 сентябр.**
**Ўзбекистон кубоги. 1/2 финал. Жавоб учрашувлари. 26 сентябр.**

**22 тур. 29 сентябр.**
Шўртан – Металлург
Локомотив – Трактор
Вобкент – Машъал
Нефтчи – Қизилқум
Андижон – Самарқанд-Д
Тўполанг – Пахтакор
**30 сентябр.**
Насаф – Навбаҳор
Қурувчи – Бухоро
**ОФК чемпионлар лигаси. 1/2 финал. Биринчи учрашувлар. 3 октябр.**
**23 тур. 5 октябр.**
Бухоро – Тўполанг
Навбаҳор – Қурувчи
Самарқанд-Д – Насаф
Қизилқум – Андижон
Машъал – Нефтчи
Трактор – Вобкент
Металлург – Локомотив

**6 октябр.**
Пахтакор – Шўртан
**24 тур. 9 октябр.**
Насаф – Қизилқум
Қурувчи – Самарқанд-Д
**10 октябр.**
Вобкент – Металлург
Нефтчи – Трактор
Андижон – Машъал
Шўртан – Локомотив
Тўполанг – Навбаҳор
Пахтакор – Бухоро

**Олимпиада-2008 саралаш учрашувлари, 3-босқич. 4 тур. 17 октябр.**

**25 тур. 20 октябр.**
Бухоро – Шўртан
Навбаҳор – Пахтакор
Самарқанд-Д – Тўполанг
Қизилқум – Қурувчи
Машъал – Насаф
Трактор – Андижон
Металлург – Нефтчи
**21 октябр.**
Локомотив – Вобкент

**ОФК чемпионлар лигаси. 1/2 финал. Жавоб учрашувлари. 24 октябр.**

**26 тур. 27 октябр.**
Шўртан – Вобкент
Қурувчи – Машъал
**28 октябр.**
Нефтчи – Локомотив
Андижон – Металлург
Насаф – Трактор
Тўполанг – Қизилқум
Пахтакор – Самарқанд-Д
Бухоро – Навбаҳор
**27 тур. 2 ноябр.**
Навбаҳор – Шўртан
Самарқанд-Д – Бухоро
Қизилқум – Пахтакор
Машъал – Тўполанг
Трактор – Қурувчи
Металлург – Насаф
Вобкент – Нефтчи
**3 ноябр.**
Локомотив – Андижон
**ОФК чемпионлар лигаси. Финал. Биринчи учрашув. 7 ноябр.**
**28 тур. 10 ноябр.**
Шўртан – Нефтчи
Қурувчи – Металлург
**11 ноябр.**
Андижон – Вобкент
Насаф – Локомотив
Тўполанг – Трактор
Пахтакор – Машъал
Бухоро – Қизилқум
Навбаҳор – Самарқанд-Д

**ОФК чемпионлар лигаси. Финал. Жавоб учрашуви. 14 ноябр.**

**Олимпиада-2008 саралаш учрашувлари, 3-босқич. 5 тур. 17 ноябр.**

**Олимпиада-2008 саралаш учрашувлари, 3-босқич. 6 тур. 21 ноябр.**

**29 тур. 25 ноябр.**
Самарқанд-Д – Шўртан
Қизилқум – Навбаҳор
Машъал – Бухоро
Металлург – Тўполанг
Локомотив – Қурувчи
Вобкент – Насаф
Нефтчи – Андижон
Трактор – Пахтакор
**30 тур. 29 ноябр.**
Насаф – Нефтчи
Тўполанг – Локомотив
Пахтакор – Металлург
Бухоро – Трактор
Навбаҳор – Машъал
Самарқанд-Д – Қизилқум
Шўртан – Андижон
Қурувчи – Вобкент

# Етти иқлим нафаси

## ШАҲЗОДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТДА


Ўнгдан иккинчи шаҳзода Гарри

***Буюк Британия қироллиги тахт вориси 22 ёшли Гарри яқин кунларда Ироқнинг жанубига ўз ҳарбий хизмат бурчини ўташ учун йўл олади. Бу хабарни бир неча кун олдин Буюк Британия Мудофаа Вазирлиги ҳамда қирол оиласи маълум қилди. Шаҳзода Гарри бурчини адо этиб қайтаётган ҳарбийлар ўрнини тўлдиради.***

***Охирги 25 йил ичида Гарри жанговар ҳаракат бўлаётган ҳудудга юборилаётган қирол оиласининг биринчи аъзосидир. Унгача фақат герцог Йерксгина қуролли тўқнашувларда қатнашган. У 1982 йилда Британия ва Аргентина ўртасидаги Фолкленд ороли учун бўлган жангда жанговар вертолёт учувчиси бўлган.***

## МАСОФАДАН ОВОЗ БЕРИЛАДИ



Дунёда биринчилардан бўлиб Эстонияда парламентга сайлов интернет орқали амалга ошириладиган бўлди. Сайлов кампанияси жорий йилнинг 4 март кунида ўтказилиши режалаштирилган. 2005 йилда ҳам айнан шу тизимдан қисман бўлса-да фойдаланилган эди. Бироқ бу сафар сайловчиларнинг барчаси масофадан туриб овоз берадилар.

Интернетда овоз бериш тизими сайловчиларни идентификация қилиш учун электрон чиплардан фойдаланади. Чунки Эстонияда 2002 йилда банкдан тортиб то давлат аппаратигача махсус идентификацион рақамли карточка жорий қилинган. Овоз бериш жараёнида сайловчилар ушбу рақамларни автомат ҳисоблагичга киритади ва улар сайтга кириб бемалол ўз сайлов ҳуқуқидан фойдаланишлари мумкин.

## 100 КИЛОГРАММЛИ ТАНГА

***Канада қироллигининг танга саройида оғирлиги 100 килограммга тенг келадиган юбилей олтин тангаси зарб этилмоқда. Хабарларга қараганда, унинг нархи 2 миллион долларни ташкил қилади. Бу янги тангалар сони чекланган миқдорда бўлади. Бироқ ҳали унга ном берилганича йўқ. Ушбу ишнинг мутасадди раҳбарлари юбилей тангалар энг тоза олтиндан тайёрланаётганлигини таъкидлашмоқда. Канада тангаси Австриядаги мавжуд нусхасидан 100000 доллар қимматроқ.***




## МИННАТДОРЧИЛИК КАМЕРАСИ



Кино оламидаги энг йирик совринлардан бири бўлмиш «Оскар» яқин кунларда ўз эгаларига топширилиши режалаштирилмоқда. Бироқ совриндорларнинг миннатдорчилик нутқи саҳна ортида ёзиб олинадиган бўлди. Сабаби, ҳар бир лауреат соҳибига саҳнада 45 сония вақт ажратилган. Бу вақтда улар энг муҳим сўзларнигина гапирадилар. Чунки узоқ вақт давом этадиган нутқдан томошабинлар зерикиб қолиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун ташкилотчилар саҳна ортига «Миннатдорчилик камераси» («Thank you Cam») ўрнатганлар. Бу ерда вақт чекланмаган. Совриндорлар хоҳлаганча истак ва тилакларини айтиб олишлари мумкин. Шундан сўнг бу нутқлар интернет орқали бутун оламга тарқалади.


Токио.

## ФОРУМ ИШ БОШЛАДИ

Венанинг Хорбург саройида ЕХҲТнинг 6-қишги Парламент ассамблеяси ўз ишини бошлади. Форумда ташкилотга аъзо 52 давлатдан 250га яқин парламентчилар қатнашмоқдалар.

Икки кун давом этадиган ушбу ассамблеяда уч турдаги: сиёсий ва хавфсизлик масалалари, демократия, инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий муаммолар, сўнгги кунда эса ЕХҲТ ҳудудидаги энергия хавфсизлиги муҳокама қилинади.

## ГАЗПРОМДА ЯНГИ ЛОЙИҲА

«Газпром» компанияси экспорт билан боғлиқ фаолиятини «Газпром экспорт» МЧЖга ўтказади. Ушбу масъулияти чекланган жамият сиқилган углеводород газлар, азотли минерал ўғитлар, аммиак, метанол, газ конденцати, нефт ва нефт маҳсулотлари экспорти билан шуғулланади. Бу ҳақда компаниянинг матбуот хизмати хабар беради.

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**



«TULPOR» савдо уйи
масъулияти чекланган жамияти



*** Россия Федерациясининг барча турдаги «УАЗ» ва «ВАЗ» автомобилларини нақд пулга ҳамда пул ўтказиш йўли билан сотишини маълум қилади.**

*** Автомобилларга буюртмалар ҳам қабул қилинади.**
*** Автомобилларга божхона солиғи тўланган.**
*** Уларнинг сифати тўла кафолатланади.**





*Манзил: Фарҳод ярмаркаси, 3-қатор.*
*Мурожаат учун телефонлар:*
*(8-371) 276-33-51. Факс: (8-371) 117-46-10*

**ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ И БУХГАЛТЕРОВ!**

**Компания «TETRASOFT» *в честь 10-годовшины своего образования объявляет о снижении цен на свою продукцию.***

**ПАКЕТ ПРОГРАММ ПО АВТОМАТИЗАЦИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ**

*** TS — Бухгалтерия**
— Бюджет
— Профсоюзные организации
— Воинские части МО Руз.
— Производство
— Торговля
— Услуги и др.

*** TS — Зарплата**
Возможность ведения учета в разрезе бюджета и спецсчетов.

*** TS — Кадр+Зарплата**
Комплексное решение задач по учету кадров и начисления зарплаты.

*** TS — Студент+Стипендия**
Комплексное решение задач по учету студентов бюджетной и контрактной формы обучения, учет оплаты контрактных сумм, начисление стипендий.

*** TS — Меню**
Составление меню с одновременным ведением складского учета.

* Настройка, *Внедрение, *Обучение
* Годовое бесплатное сопровождение
* Возможность заключения договоров на сопровождение программ

НПФ «TETRASOFT»

Тел.\факс: (371) 399-71-72
Тел.: 127-29-00, 301-51-64
E-mail: tetrasoft@ sarkor.uz

## Сўранг, жавоб берамиз!

*Эшитишимча, Бетховен «Учинчи симфонияси»ни Наполеон Бонапартга бағишлаб ёзган экан. Шу тўғрими?*

Моҳинур КОМИЛЖОНОВА,
Қибрай тумани

*Тўғри. Бу буюк мусиқа асари ўзига хос тарихга эга.*

*1804 йил. Вена. Европа Наполеон Бонапартнинг ҳарбий жасоратларига лол қолган палла. Наполеон — барча эътироф этган қаҳрамон, ҳамма унинг инқилобий ғояларига ишонади, саркарданинг иродаси ва матонатидан ҳайратда. Бетховен ҳам бундан мустасно эмасди. Бастакор доҳиёна симфониясининг эндигина тугатилган партитурасида Наполеонга бағишлов басталайди.*

*Бироқ орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Бетховен кутилмаган хабардан ларзага тушади. Наполеон ўзини Франция императори деб эълон қилганди. Бастакор изтиробларининг чек-чегараси йўқ эди: «Энди у барча ҳукмдорлар каби инсоний ҳақ-ҳуқуқларни оёқости қилади, ҳамма нарсани ўзининг шуҳратпарастлигига муъте этади, ўзини ўзгалардан юқори қўяди ва мустабидга эврилади».*

*Шу тариқа Наполеонга бағишлов йўқ қилинди. «Учинчи симфония» сарлавҳаси остида бор-йўғи биргина сўз пайдо бўлди: «Қаҳрамонона».*

*Таъкидлаш жоизки, мабодо бастакор ушбу калимани ёзмаган тақдирда ҳам биз барибир бу мусиқани қаҳрамонлик достони сифатида идрок этган бўлар эдик. Уни бошқача қабул қилиш мумкин ҳам эмас. Бу, ажойиб қаҳрамон ҳақидаги, унинг матонатли кураши, мардларча ҳалок бўлиши (машҳур «Қаҳрамон ўлимига мотам марши») ва ҳаёт тантанаси тўғрисидаги улуғвор мусиқий достондир.*


Самарқанд. Регистон майдони

## Афоризм

*Вақт ортимизда, вақт олдимизда. У ҳеч қачон биз билан бирга бўлмайди.*

## Йўғ-э!

Олимларнинг фикрича, инсон мактабни тамомлагач, 22 йилдан сўнг ўз синфдошларининг исми ва юз тузилишларини унутар экан.

## Жумбоқ

**САВОЛ:** ***Бир кишидан «Ёшингиз нечада?» дея сўрашса, у «Мен айрим қариндошларимдан 600 марта каттаман» деб жавоб қилибди. Шундай бўлиши мумкинми?***

*ЖАВОБ: Мумкин. Агар у 50 ёшда, набираси эса 1 ойлик чақалоқ бўлса.*

## Бир куни Афанди...



**Афанди йўлда кетар эди. Бир миршаб от чоптириб келиб қолди.**
**– Бу ернинг оти нима?**
**– Кекирдак! – деб жавоб берди Афанди.**
**– Кейин қайси қишлоқ келади?**
**– Қорин!**
**– Ундан кейин-чи? – эзмаланди яна миршаб.**
**– Ундан кейин тўппа-тўғри далага чиқиб кетадилар, тақсирим!**

## Изоҳи сиздан...





Ўзим шаҳарликману,
Ишқим тушди қишлоққа.
Унга етар кун борми?
Эга чиқиб пишлоққа.

Осон иш йўқ дунёда,
Изладим саҳар палла.
Омбор кездим пиёда,
Яхшиямки бор калла.

Боқай деб бола-чақа,
Кўзим тикдим узоққа.
Десантчи бўлмасам гар,
Тушар эдим тузоққа.

**Асалхон МЎЙДИНОВА,**
**Янгиқўрғон тумани**

1.Пишлоқ кўрсам қанийди,
Пишлоқ кўрсам қанийди,
Ҳеч бўлмаса чанг бўлиб
Сенга қўнсам қанийди.
Тўйиб, тўйиб, бир қучиб,
Сўнгра ўлса майлийди!

2. Мен учаман самода,
Қанотларим бир қушдай.
Қандай қилиб олайин,
Қопқондаги емишни,
Ҳа, топдим чораси бор,
Парашют очиш даркор.

**Нозимахон АҲМАДБЕКОВА,**
**Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, 9-синф ўқувчиси**

Менга қўйдилар тузоқ,
Хўп ўйладим ва узоқ.
«Косонсой пишлоғи»-ку,
Олиб емаган — бузоқ.
Ўйлаб топай йўлини,
Кўрай ўнгу сўлини.
Мендан ўзга бир жонзот,
Теккизолмас қўлини.
Кўкдан тушарман аста,
Нафсим, кўп бўлма хаста.
Арғимчоғим кўл келдинг,
Жоним сенга пайваста.

**Рустам САТТОРОВ,**
**Наманган шаҳри**

Бизни деманг текинхўр,
Овқат учун ишлаймиз.
Уни олиш учун ҳам,
Минг бир ҳийла ўйлаймиз.

Ҳийлани ҳам топишга
Ўқув керак, ҳам ақл.
Озгина пишлоқни деб,
Одамлар, бўлманг бахил.

**Ҳанифа РЎЗИМАТОВА, Тўрақўрғон тумани**



Энг яхши, энг қувноқ изоҳ эгасига махсус совғамиз бор. Энди навбатдаги суратга изоҳ топинг-чи?

# Мунажжим башорати

**(26 феврал - 4 март)**



ҚЎЙ. Иқтисодий аҳволингизни ўнглаб олишга ҳаракат қилинг. Бу борада мутахассис билан бамаслаҳат иш кўрсангиз яна ҳам маъқул. Душанбада қўшнилар билан мулоқотда вазмин, сешанбада ёлғондан эҳтиёт бўлинг. Пайшанба дўстлик ва ўзаро келишув учун қулай. Ҳафта охирида узоқ кутилган хат ёки хабар оласиз.



**БУЗОҚ.** **Биринчи уч кунлик ушбу бурж вакиллари учун шахсий ва шерикчилик муносабатларида дўстларнинг кўмаги зарур бўлади. Бизнесдагилар учун алоқаларни мустаҳкамлаб олиш учун яхшигина имконият бор. Пайшанба харид учун қулай кун. Дам олиш кунлари эса дўстларнинг марҳамати билан сизда янги хабарлар ва ғоялар пайдо бўлади.**



ЭГИЗАКЛАР. Ҳафта ташвишли бошланади. Кутилмаганда яқинларингиз ўзлари ҳақида эслатиб қўйиш мақсадида уйингизга ташриф буюришади. Ёлғон ғурурдан воз кечиб, севимли кишингиз билан ўртангиздаги баҳсга чек қўйиш вақти келди. Маошингизни оширишлари мумкин. Дам олиш куни вақтингизни чоғ ўтказинг. Чунки сиз бунга арзийсиз.



**ҚИСҚИЧБАҚА. Бу ҳафтада ҳаракатларингиз беҳуда кетмайди. Баъзан таваккал қилиб туриш ҳам керак. Душанбада эркингизни чеклашларига йўл қўйманг. Чоршанбада спиртли ичимликлар ичманг. Шанбада яхши ишларингизнинг мукофоти (балки маош) кутмоқда. Якшанба куни фарзандларингиз билан боғлиқ бирор муаммо туғилиши мумкин.**



АРСЛОН. Бу ҳафтада шахсий ҳаётингиз билан боғлиқ барча муаммолар ортга чекина бошлайди. Ҳафта давомида жиддий ишга қўл урмай, янги куч тўплаб олишингиз керак. Душанба куни ёқимли хабар эшитасиз. Ўзингизни бироз хорғин ҳис этишингиз мумкин, тушкунликка тушманг. Дам олиш кунлари ақлий ва жисмоний меҳнатдан тийилсангиз бас.



**ПАРИЗОД. Ҳафта сизга омадга эришиш учун имконият беради. Молиявий муаммоларингиз барҳам топади. Ишда юқори натижаларга эришасиз. Ҳафта охирида кутилмаган муаммолар пайдо бўлади. Аммо астойдил ҳаракат қилсангиз, ҳаммаси яхшиликка ҳал бўлади.**



ТАРОЗИ. Ҳафта молиявий томондан омадли бўлиши кутилмоқда. Сешанбада бор кучингизни иқтисодий аҳволингизни яхшилашга сарфланг. Чоршанбадан бошлаб атрофдагиларнинг маслаҳатига қулоқ тутинг. Жума куни фойдали битимга эга бўласиз. Якшанбада дам олиб, спорт билан шуғулланинг.



**ЧАЁН. Бу ҳафта банкда ҳисоб -рақами очиш, бирор ишга пул тикиш ва валюта алмаштиришни хаёлингизга келтирманг. Чоршанбада вазият издан чиқиши мумкин. Пайшанба куни энг яқин кишингиз билан алоқани мустаҳкамлаб оласиз. Шанбада уйингиздаги жиҳозларни янгилаш фикри пайдо бўлади. Якшанбани оилангизга бағишланг.**



-ЎҚОТАР. Яқиндан билмаган кишингиз билан мулоқотда эҳтиёт бўлинг. Сешанба куни муҳим қарорлар қабул қилишдан тийилинг. Чоршанбада жиддий ўзгаришлар ва хабарлар бўлиши кутилмоқда. Шанба бошлаб қўйган ишингизни охирига етказиб олиш учун қулай. Дам олиш куни сизни қандайдир ютуқ кутмоқда. Балки лотерея ўйнаб кўрарсиз.



**ТОҒ ЭЧКИСИ. Ушбу ҳафтада инсонлар учун нимадир қилиш истаги пайдо бўлса, иккиланманг. Яхшилик ҳеч қачон ерда қолмаган. Ҳафтанинг иккинчи ярми бир маромда ўтмайди. Фойда кетидан зарар, сарф-харажат бўлиши мумкин. Жума куни таваккал қилманг. Шанба ва якшанбани уй ишларига ва яқинларингизга бағишланг.**



ҚОВҒА. Ҳафта бошида эски дилхиралик ёдга тушади. Ҳатто ҳаддингиздан ошишингизга сабабчи бўлади. Ёқимсиз кишилардан узоқроқ бўлинг. Иш билан боғлиқ таклифларни жиддий ўйлаб, сўнг қарор қабул қилинг. Ҳафта охирида эса туғишганларингиздан хабар олинг. Ахир уларни соғингансиз-ку, тўғрими?



**БАЛИҚ. Душанба куни сувдек сокин, ўтдан паст бўлишга ҳаракат қилинг, чунки ишхонада штатлар қисқариши кутилмоқда. Сешанба мулоқот учун самарасиз кун. Чоршанба куни уйқусизликдан қийналасиз. Ҳиссиётларингизни жиловлашга ўрганинг, пайшанбада бу сизга асқотади. Дам олиш куни суюкли кишингиз билан бирга бўласиз.**

**Ishonch**

**МУАССИС:** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

**Бош муҳаррир**
**Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
Алла Долженкова, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзоҳид Содиқов, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Ғуломзокир Юсупов

**Бизга қўнғироқ қилинг:**
**Котибият:** 153-52-78
**Хатлар бўлими:** 153-85-43

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 2 босма табоқ.

**E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru**

Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
Тижорат аҳамиятига молик материаллар ⓗ белгиси остида чоп этилади.

**Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев**
**Навбатчи муҳаррир - Ш.Норқулова**
**Навбатчи - А.Имарқулов**
**Мусаҳҳиҳ - А.Ёрбеков**

**Саҳифаловчи-дизайнер: Ж.Юнусов, Ю.Михайловский.**

Буюртма Г— 115 | Тиражи: 19219

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 20.30

Сотувда эркин нархда 1 2 3 5 6 7 8